

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУФИ

**ШНҚ 2.06.01-24 «ГИДРОТЕХНИКА ИНШООТЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК
НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТҮҒРИСИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2024 йил 12 ноябрда хисобга олинди, хисоб рақами 312]

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига мувофиқ буюраман:

1. ШНҚ 2.06.01-24 «Гидротехника иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1997 йил 13 мартағи 17-сон буйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.06.01-97 «Гидротехник иншоотлар» қурилиш меъёрлари ва қоидалари ўз кучини йўқотган деб топилсан.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир в.б. Ш. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 22 октябрь,

01/2-80-сон

Келишилди:

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси
Б. ЮСУПАЛИЕВ**

2024 йил 8 октябрь

Сув хўжалиги вазири Ш. ХАМРАЕВ

2024 йил 4 октябрь

Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2024 йил 27 сентябрь

**Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири
А. АБДУХАКИМОВ**

2024 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
үй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2024 йил 22 октябрдаги 01/2-80-сон
буйруғига
ИЛОВА

ШНҚ 2.06.01-24 «Гидротехника иншоотлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган гидротехника иншоотларини лойиҳалашга оид талабларни белгилайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қўйидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга ҳаволалар қўлланилган:

ШНҚ 2.01.14-21 Ҳисобий гидрологик тавсифларни аниқлаш;

ҚМҚ 2.03.11-96 Қурилиш конструкцияларини коррозиядан ҳимоя қилиш;

ШНҚ 2.06.03-12 Суғориш тизимлари. Лойиҳалаш нормалари;

ШНҚ 2.06.04-21 Гидротехника иншоотларига бўладиган юкланиш ва таъсирлар;

ГОСТ 9.602-2016 Коррозия ва эскиришдан ҳимоя қилиш ягона тизими. Еости иншоотлари. Коррозиядан ҳимоялашга умумий талаблар (*расмий манба: ГОСТ 9.602-2016 Единая система защиты от коррозии и старения. Сооружения подземные. Общие требования к защите от коррозии*);

ГОСТ 26775-97 Ички сув йўлларидаги қўпприкларнинг қўпприк ости кема қатнов оралиқларининг ўлчамлари. Меъёрлар ва техник талаблар (*расмий манба: Габариты подмостовые судоходных пролетов мостов на внутренних водных путях. Нормы и технические требования*).

2-боб. Атамалар, таърифлар ва қисқартмалар

2. Ушбу ШНҚда қўйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

гидротехника иншоотлари — сув омборлари тўғонлари, дарёлар, сойлар, каналлар ва коллекторлардаги тўғонлар, дарёларнинг ўзанларини тўсувчи иншоотлар, сув олиш, сув ўтказиш, сув ташлаш ҳамда кирғокларни ҳимоя қилиш иншоотлари, гидроэлектростанциялар, насос станциялари;

гидроузел — жойлашуви бўйича бирлашган гидротехника иншоотларининг гурухлари.

3. Ушбу ШНҚда қўйидаги шартли белгиланишлар ва қисқартмалар қўлланилган:

НЎМ — назорат-ўлчаш мосламалари;

НДС — нормал димланган сатҳ;

ЖДС — жадаллашган димланган сатҳ;

ГЭС — гидроэлектр станцияси;

ГТЭС — гидротўплаш электр станцияси;

НС — насос станцияси.

3-боб. Умумий қоидалар

1-§. Асосий талаблар

4. Доимий гидротехника иншоотларининг турлари мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ бўлиши керак.

Гидротехника иншоотларининг синфини ушбу ШНҚнинг 2-иловасига мувофиқ белгилаш зарур.

5. Гидротехника иншоотларини сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш, сув хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштириш схемалари ҳамда сув оқими ёки сув

ҳавзасидан комплекс фойдаланиш схемалари асосида курилиш объектларини умумийлаштириш талабларидан келиб чиқсан ҳолда лойиҳалаш лозим.

6. Гидротехника иншоотларининг тури, уларнинг параметрлари ва компоновкалари ҳамда ҳисобланган сув сатхлари техник-иктисодий кўрсаткичларини таққослаш асосида ва қуидагиларни ҳисобга олиш керак:

гидротехника иншоотларни куриш жойлари ва ҳудуднинг табиий шароитларини (иклиний, мұхандислик-геологик, гидрогеологик, сейсмик, топографик, гидрологик, биологик);

сув хўжалиги тармоқларини ривожлантириш ва жойлаштиришни, шунингдек транспорт схемасини ўзгартириш ва юк айланмасининг кўпайтиришни, суғориш ва зах қочиришни, сув таъминотини, сув омборлари ва сув оқимларининг қирғоқ бўйи майдонларини, нефт ва газ конларини, иссиқлик ва атом электр станцияларини ишлаб чиқиши;

юқори ва қуи бъефлардаги дарёларнинг гидрологик, термик тартибининг ўзгаришларини прогноз қилишни;

дарёлар ва сув омборларининг ўзанлари ва қирғоқларини лойқа босиши ҳамда қайта шакллантирилишини;

ҳудудларни сув босиши ҳамда у ерда жойлашган бинолар ва иншоотларни мұхандислик жиҳатидан мухофаза қилишни;

кемасозлик, балиқчилик хўжалиги, сув таъминоти ва мелиорация тизимлари ишларининг шартлари ва вазифаларини ўзгаришларини;

аҳолининг маиший шароитлари ва дам олишини (санатория, курорт зоналари).

7. Сувнинг сифатини таъминлашда қуидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур:

биоген элементларни (таркибида азот бўлган моддалар, фосфор) келишини чеклаш, уларнинг сувдаги миқдори йўл қўйилган максимал концентрациясидан ошмаслигини таъминлаш;

гидротехника иншоотларидан доимий ва вақтинчалик фойдаланиш;

ишлаб чиқариш ишлари, меҳнат ресурсларини мавжудлиги шартлари ва усувлари;

табиий ресурсларни ишлаб чиқиш имкониятлари;

сув оқими ва сув ҳавзалари қирғоқларида жойлашган гидротехника иншоотларига эстетик ва архитектура талабларини таъминлаш.

8. Гидротехника иншоотларини лойиҳалашда қуидагиларни ҳисобга олиш керак:

гидротехника иншоотлари ва уларнинг пойдеворларини ишончлилиги ва улардан фойдаланиш бўйича талаблар ҳамда чўқиндилар, селлар, муз, майда муз парчалари, оқувчи жисмларининг нокулай таъсирини камайтириш шартларини;

курилиш ва фойдаланиш даврида гидротехника иншоотлари ва ускуналарнинг ишлаши ва уларнинг ҳолатини доимий кузатувларини;

гидротехника иншоотлари тармоғини архитектуравий безашни;

энг юқори даражадаги механизация ишларини ва энг кам меҳнат сарфларида қурилишнинг норматив давомийлигини танлашни;

сув омборининг жойини ва ён атрофидаги ҳудудларни тайёрлашни;

балиқларни мухофаза қилиш чора-тадбирларини ташкил этишни;

фойдали қазилмалар конларини мухофаза қилишни;

кишлоқ хўжалиги ерларини, қўриқхоналарни ва маданий ёдгорликларни сақланишини;

кемасозликнинг зарур шартларини;

куи бъефда қулай сатҳ ва тезлик ҳамда ўзлаштирилган ерлар учун ер ости сувлари даражасининг қулай тартибини;

курилишда ва фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги ва ёнғин ўчириш воситаларини.

9. Гидротехника иншоотларини лойиҳалашда техник-иктисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик ва қуидаги имкониятларни ҳисобга олиш лозим:

турли фойдаланиш функцияларини бажарадиган гидротехника иншоотларини бирлаштириши;

гидротехника иншоотларини қуриш ва уларни алоҳида ишга тушириш мажмуалари билан фойдаланишга топшириши;

мавжуд гидротехника иншоотларини реконструкциясини;

ускуналар, конструкциялар ва уларнинг ўлчамларини, қурилиш-монтаж ишларини бажариш усулларини бирхиллаштириши;

мелиоратив ва бошқа мақсадлар учун мўлжалланган гидроузелларда ҳосил бўладиган босимдан энергетика мақсадларида фойдаланишни.

10. Ер ости гидротехника иншоотларини лойиҳалашда грунт массиви таркибини унинг сувлилигини, газ миқдори, геологик хусусиятларини ва радиоактивлигини ҳисобга олиш керак.

11. Гидротехника иншоотларини қуриш жараёнида қуйидагилар инобатга олиниши керак:

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш чора-тадбирлари;

худуддаги дараҳт ва буталар ҳамда яшил майдонларга зарар етказмаслик, дараҳт ва буталар атрофи бетонлаб ташланмаслиги.

12. I ва II синфдаги ҳамда III синф асосий гидротехника иншоотларини лойиҳалашда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

қурилиш жараёнида ва фойдаланишда гидротехника иншоотларининг ишончлилигини баҳолашни;

нуқсонларни ўз вақтида аниқлашни;

таъмирлаш тадбирлари тайинлашни;

аварияларнинг олдини олиш ва фойдаланишни яхшилаш учун қурилиш жараёнида ҳамда фойдаланиш вақтида гидротехника иншоотлари ва уларнинг асосларининг ишлашини табиий кузатиш учун назорат-ўлчов мосламалари ўрнатилишини.

13. IV синфдаги гидротехника иншоотларида НЎМларни ўрнатиш, шунингдек III синфдаги гидротехника иншоотларида эса НЎМларни ўрнатмаслик техник-иктисодий жиҳатдан асосланган бўлиши керак.

Асосий гидротехника иншоотларини лойиҳалаштиришда, уларнинг таъсир доирасидаги ҳудудларда фавқулодда вазиятлар юз берганда хабар берувчи маҳаллий огоҳлантириш тизимлари лойиҳаланиши лозим.

14. I ва II синф гидротехника иншоотларини лойиҳалашда қабул қилинган техник ечимни асослаш учун илмий-тадқиқот ишлари, экспериментал ва тажриба-конструкторлик ишлари олиб борилиши керак.

III ва IV синф гидротехника иншоотлари учун илмий-тадқиқот ишлари, экспериментал ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш асосланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

2-§. Гидротехника иншоотларини реконструкция қилиш

15. Доимий гидротехника иншоотларини реконструкция қилишда қуйидагилар бажарилиши керак:

энергетика обьектларида электроэнергия ишлаб чиқиши;

суғориш тизимларини сув билан таъминланганлигини ошириш, зах қочириладиган ёки суғориладиган ва уларга туташ ҳудудларда, каналларнинг трассалари атрофида ер ости сувларини режимини яхшилаш;

портларда ва кемасозлик иншоотларида юк ва кема ўтказиш имкониятини ошириш;

гидроузелнинг таъсир зonasини экологик шароитларини яхшилаш;

гидротехника иншоотларининг ускуналарни алмаштириш;

гидротехника иншоотларининг хавфсизлигини таъминлашни ошириш.

Асосий гидротехника иншоотлари реконструкция қилинганда, улардан фойдаланиш тўхтатилмаслиги лозим.

16. Гидротехника иншоотларини реконструкция қилишда мавжуд иншоотлар ва уларнинг юк кўтариш қобилияти захираларидан максимал даражада фойдаланиш керак.

Реконструкция қилинаётган гидротехника иншоотлари ва уларнинг элементлари пойдеворининг материаллари ва грунтларининг техник ҳолати маҳсус тадқиқотлар билан аниқланиши керак.

2-боб. Асосий ҳисобий талаблар, юкланиш ва таъсиirlар

17. Гидротехника иншоотлари, уларнинг конструкциялари ва пойдеворларини чегаравий ҳолатлар усули бўйича ҳисоблаш керак.

Ҳисоблаш иккита чегаравий ҳолатлар гурухлари бўйича амалга оширилиши керак:

гидротехника иншоотлари, уларнинг конструкциялари ва пойдеворларининг фойдаланишга тўлиқ яроқсизлиги — пойдевор умумий мустаҳкамлиги ва барқарорлигини ҳисоблаш, пойдевор ва грунтли иншоотларини умумий фильтрациялар мустаҳкамлиги, гидротехника иншоотларининг алоҳида элементларининг мустаҳкамлиги, уларнинг мустаҳкамлиги ёки барқарорлиги билан боғлиқ бўлган конструкцияларни силжиши ҳисоб-китоблари;

нормал фойдаланишда яроқсизлиги — маҳаллий мустаҳкамликка асосларни ҳисоблаш, силжиш ва деформацияларни чеклаш бўйича ҳисоб-китоблар, ёриқлар ва курилиш чокларини шаклланишига ёки уларни топишга, маҳаллий фильтрациялаш мустаҳкамлигини ёки биринчи гурухнинг чегаравий ҳолатлари учун кўриб чиқилмайдиган гидротехника иншоотларининг алоҳида элементларининг мустаҳкамлигини бузилишига ҳисоблаш.

18. Гидротехника иншоотларини, уларнинг конструкцияларини ва пойдеворларини ҳисоблашда чегаравий ҳолатлар вужудга келмаслигини таъминлайдиган қўйидаги шартга риоя қилиш лозим:

$$\gamma_{ic} F \leq R \gamma_c / \gamma_n$$

бу ерда:

γ_{ic} — юкларнинг уйғулаштириш коэффициенти:

нормал фойдаланиш даврида юклар ва таъсиirlарнинг асосий бирикмалари учун биринчи гурухнинг чегаравий ҳолатлари бўйича ҳисоб-китобларда — 1,0;

курилиш ва таъмирлаш даври учун — 0,95;

юклар ва таъсиirlарни маҳсус бирикмалари учун — 0,90;

иккинчи гурухнинг чегаравий ҳолати бўйича ҳисоб-китобларда — 1,0.

F — умумлаштирилган куч таъсирининг (куч, момент, кучланиш), деформация ёки чегара ҳолатини баҳолаш амалга ошириладиган бошқа параметрининг ҳисобий қиймати;

R — умумлаштирилган юк кўтариш қобилияти, деформация билан белгиланадиган бошқа параметларни ҳисобий қиймати;

γ_c — гидротехника иншоотларининг турини, конструкциясини ёки пойдеворини, материал турини, ҳисобий чизмаларнинг яқинлигини, чегаравий ҳолати турини ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда ва айрим турдаги гидротехника иншоотларини, уларни конструкцияларини ва пойдеворларини лойиҳалаш учун иш шароитлари коэффициенти;

γ_n — гидротехника иншоотларининг вазифасига кўра ишончлилик коэффициенти.

Биринчи гурухнинг чегаравий ҳолати бўйича ҳисоб-китобларда гидротехника иншоотлари синфи учун қўйидагича қабул қилиниши керак:

I — 1,25;

II — 1,20;

III — 1,15;

IV — 1,10.

Иккинчи гурухнинг чегаравий ҳолатлари бўйича ҳисоб-китобларда γ_n ни 1,0 га teng деб қабул қилиш лозим.

Табиий қоялар барқарорлигини ҳисоб-китоб қилишда γ_n ни лойиҳалаштирилаётган гидротехника иншоотлари яқин жойлашган синфи учун кабул қилиниши керак.

19. Материалларнинг ҳисобий қаршиликлари ва грунтларнинг хусусиятларини аниқлаш учун қабул қилинган материаллар γ_m ва грунтлар γ_g бўйича ишончлилик коэффициентларининг қийматлари гидротехника иншоотларининг алоҳида турларини, уларнинг конструкциялари ва асосларини лойиҳалаш ушбу ШНҚ бўйича белгиланиши керак.

Материаллар ва грунтларнинг ҳисобий қаршиликлари экспериментал тадқиқотлар натижаларини статистик қайта ишлашдан сўнг аниқланиши лозим.

20. Юкларнинг ҳисобий қиймати унинг норматив қийматига мос келадиган юк бўйича тегишли ишончлилик коэффициентига γ_f кўпайтириш билан аниқланиши лозим.

Гидротехника иншоотларининг конструкцияларини ва пойдеворларини лойиҳалашда, юкларнинг норматив қийматларини мазкур ШНҚнинг талаблари бўйича аниқлаш керак.

Биринчи гурухнинг чегаравий ҳолатлари учун ҳисоб-китобларда γ_f юклар бўйича ишончлилик коэффициентининг қийматлари мазкур ШНҚнинг З-иловасига мувофиқ қабул қилиниши керак.

21. Гидротехника иншоотлари, уларнинг конструкциялари ва пойдеворларини иккинчи гурухнинг чегаравий ҳолатлари бўйича ҳисоб-китобларини γ_f юклар бўйича ишончлилик коэффициенти билан ҳамда материаллар γ_m ва грунтлар γ_g ишончлилиги коэффициент билан уларнинг конструкцияларини ва пойдеворларини алоҳида турларини лойиҳалашга 1,0 га teng бўлганда амалга оширилиши керак.

22. Гидротехника иншоотларини ва конструкцияларини ҳисоблаш, керакли ҳолатларда, чизиқли бўлмаган ва эгилувчан бўлмаган деформацияларни, ёриклар таъсирини ва материалларнинг бир турда бўлмаганлигини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

23. Гидротехника иншоотларига тушадиган юклар ва таъсиrlар мазкур ШНҚнинг 4-иловасига кўра олиниши лозим.

Гидротехника иншоотларининг алоҳида турларини, уларнинг конструкциялари ва пойдеворларини ҳамда бирикмаларини ҳисоблашда ҳисобга олиниши лозим бўлган юклар ва таъсиrlар рўйхати ШНҚ 2.06.04-21га мувофиқ олиниши керак.

24. Гидротехника иншоотларини юклар ва таъсиrlарнинг асосий ва маҳсус бирикмаларига ҳисоблаш керак.

Асосий бирикмалар доимий, узок давомий ва қисқа муддатли юклар ва таъсиrlарни ўз ичига олиши лозим.

Маҳсус бирикмалар доимий, узок давомий, қисқа муддатли ва маҳсус юклар ҳамда таъсиrlарнинг биттасини ўз ичига олиши лозим.

Юкламалар ва таъсиrlарни энг ноқулай, бироқ кўриб чиқилаётган ҳисобий ҳолат учун ҳақиқий (реал) бўлган бирикмаларда қурилиш, фойдаланиш даврлари ва таъмирлаш ҳолати учун алоҳида қабул қилиш керак.

25. Доимий гидротехника иншоотларини лойиҳалашда ҳисобланган максимал сув сарфлари мазкур ШНҚнинг 1-жадвалига мувофиқ олиниши керак.

Бунда, гидрологик хусусиятларни ШНҚ 2.01.14-21 га мувофиқ аниқлаш лозим.

26. Гидроузелнинг доимий сув ўтказгичлари орқали фойдаланиш жараёнида ўтказилиши керак бўлган ҳисобий сувнинг сарфи, унинг ушбу гидротехника иншооти учун лойиҳалаштираётган сув омборлари ёки мавжуд сув омборлари томонидан ўзгартирилишини ва дарё ҳавzasидаги хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган оқимларни шакллантириш шартларининг ўзгаришини трансформациясини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ШНҚнинг 25-бандига мувофиқ олинган ҳисобий максимал сарф асосида аниқланиши керак.

1-жадвал

| Хисобий ҳолатлар | Гидротехника иншоотининг синфидан келиб чиқиб, ҳисобий максимал сув сарфларини Р, фоиз ортиши йиллик эхтимоллиги | | | |
|------------------|--|-----|-----|-----|
| | I | II | III | IV |
| Асосий | 0.1 | 1.0 | 3.0 | 5.0 |
| Текшириладиган | 0.01* | 0.1 | 0.5 | 1.0 |

* ШНҚ 2.01.14-21 га мувофиқ түғрилашни ΔQ_1 ҳисобга олиш керак.

27. Асосий ҳисобий ҳолат учун ҳисобий сув сарфини ўтказиш юқори бъефнинг сув оқимининг нормал сатҳида фойдаланилган сув ташлаш иншоотлари тўлиқ очиқлигига таъминланиши керак:

Асосий ҳисоблаш ҳолати учун ҳисобий сув сарфини ўтказиш, юқори бъефнинг нормал димланган сатҳида сув ташлаш иншоотлари (ГЭС барча турбиналари ва уларни фойдаланишида нормал тартибда бошқа сув ўтказиш иншоотлари) орқали улар тўлиқ очилганда таъминланиши керак.

Асосий ҳисобий ҳолатга мос келувчи юкланишлар ва таъсиirlарни, асосий бирикмалар таркибида мазкур ШНҚга мувофиқ ҳисобга олиниши керак.

Асосий ҳисобий ҳолат учун сув сарфларининг ўтказиш, тартибга солинмайдиган сув ташлаш иншоотларидан (затворсиз), НДСдан фарқ қиласидиган юқори бъеф даражаларида ҳам амалга оширишга йўл қўйилади.

НДС дан юқори даражаларга мувофиқ келадиган юкламалар ва таъсиirlар уларнинг асосий бирикмалари таркибида ҳамда сув тошқинларига қарши курашишга мўлжалланган гидротехника иншоотлари учун уларнинг маҳсус бирикмалари таркибида техник — иқтисодий асосланганда ҳисобга олиниши керак.

28. Текшириш-ҳисоблаш ҳолати учун ҳисобий сув сарфини ўтказиш гидроузелнинг барча сув ўтказиш иншоотлари, шунингдек сув ташлаш иншоотлари, ГЭС гидротурбиналари, сув таъминотининг суғориши тизимларининг сув йиғиши иншоотлари, балиқ ўтказиш иншоотлари ва захира сув ташлаш иншоотлари томонидан техник-иктисодий асосланган ЖДСда таъминланиши керак.

Бунда, агар асосий ҳисобий ҳолати учун сув сарфларини ўтиши юқори бъефнинг сув сатҳларида ΔH катталигига НДСдан юқори бўлганда амалга оширилиши, текшириш ҳисобкитоб ҳолатининг максимал сув сарфи трансформацияси ЖДС — ($HDC + \Delta H$) белгилар атрофида амалга оширилиши лозим.

Сув тошқинининг энг кўп микдорини қисқа вақтда ўтишини, максимал ҳисобий текшириш сарфини ўтказишни ҳисобга олиб қуидагиларга йўл қўйилади:

ГЭС электр энергиясини ишлаб чиқишини камайишига;

сув истеъмолчилари обьектларида авария ҳолатларига олиб келмайдиган сув олиш иншоотларининг нормал ишлашининг бузилишига;

асосий гидротехника иншоотларни ишончлилигини пасайтирумайдиган, захира сув туширгичларни бузилишига;

сув қувурларини бузилишига олиб келмайдиган ўзгарувчан тартибларда ёпиқ кўндаланг кесмали қувурлар орқали сувнинг ўтишига;

сув тошқини ўтганидан кейин оқибатлар бартараф этилиши мумкин бўлган, асосий иншоотлар, турар жой ва корхоналар худудларини бузилишига таҳдид солмайдиган, гидроузелнинг қуий бъефининг ўзан ва қирғоқ ёнбағирларининг ювилишига.

Текшириш ҳисобий ҳолатига мос келадиган юклар ва таъсиirlар ушбу ШНҚнинг 23-бандига мувофиқ юкланишларнинг маҳсус бирикмасининг таркибида ҳисобга олиниши керак.

29. Гидроузеллар каскадли жойлашган дарёларда лойиҳалаштирилаётган гидроузел учун ҳисобий максимал сув сарфи унинг синфи, каскадда жойлашуви, НДС ва ЖДСда юқорида жойлашган гидроузелнинг сув ўтказиш қобилияти, шунингдек каскаднинг гидроузеллари ва сув омборларидан фойдаланиш режими, юқори бъефининг гидроузелга туташган қисмларида қўшимча ён томондан оқиб келиш ҳажмини ҳисобга олган ҳолда аниқланиши керак.

Каскадда жойлашган гидроузел иншоотларининг синфидан қатъий назар, асосий ҳисобий ҳолатида сув сарфининг ўтиши қуи жойлашган гидроузелнинг асосий гидротехника иншоотларини нормал фойдаланишини бузилишига олиб келмаслиги керак.

2-жадвал

| Каскадда лойиҳалаштирилаётган гидроузелнинг жойлашиши | Лойиҳалаштирилаётган гидроузелнинг синфи мавжуд гидроузел синфидан юқори бўлганда | Лойиҳалаштирилаётган гидроузелнинг синфи мавжуд гидроузелнинг синфига тенг бўлганда | Лойиҳалаштирилаётган гидроузелнинг синфи мавжуд гидроузел синфидан паст бўлганда |
|--|--|---|---|
| Лойиҳалаштирилаётган гидроузел мавжуд гидроузелдан пастда жойлашганда | Асосий ва текшириш ҳолатлари учун сув сарфи лойиҳалаштирилаётган гидроузел синфига мувофиқ қабул қилинади | | Асосий ва текшириш ҳолатлари сув сарфлари лойиҳаланаётган гидроузелнинг синфига мувофиқ асосий ва текшириш ҳолатлари учун мавжуд гидроузел орқали ўтказиладиган асосий ҳисоб-китоб ҳолати сув сарфлари ва гидроузеллар орасидаги ҳудудида ён томон оқим харажатлари йиғиндисига тенг деб қабул қилинади |
| Лойиҳалаштирилаётган гидроузел мавжуд гидроузелдан юқорида жойлашганда | Асосий ва текшириш ҳолатларининг сув сарфи лойиҳалаштирилган гидроузел синфига мувофиқ қабул қилинади. Мавжуд гидроузелнинг ўтказиш қобилияти лойиҳалаштирилаётган гидроузел орқали ўтказиладиган асосий ҳисобий ҳолат харажатлари ва мавжуд гидроузелнинг жавобгарлик даражасига жавоб берадиган асосий ва текшириш ҳолатлари учун гидроузеллар орасидаги участкада ёнлама оқим харажатлари йиғиндисига мувофиқлаштирилиши керак | Асосий ва текшириш ҳолатларининг сув сарфлари лойиҳалаштирилаётган гидроузелнинг муҳимлик даражасига мувофиқ қабул қилинади | |

Изоҳлар:

1. Мавжуд гидроузел — илгари ишига тушнирилиши мўлжалланган гидроузелни тушунни лозим.
2. Уч ёки ундан ортиқ гидроузеллардан иборат каскадлар учун ушибу жадвалда келтирилган жараён, дарёнинг юқоридан пастга қараб ҳар бир жуфт гидроузеллар учун кетма-кет бажарилиши керак.

30. I — III синфдаги доимий гидротехника иншоотлари учун қурилиш жараёнидаги вақтингчалик фойдаланиш даврида, сув сарфининг ҳисобий максимал қийматларидан ошиб кетишнинг йиллик эҳтимолликларини ишга тушириш мажмуаси гидротехника иншоотларининг синфига кўра мазкур ШНҚнинг 1-жадвалига мувофиқ қабул қилиш лозим.

Гидротехника иншоотларининг вақтингча фойдаланиши чекланган муддатини ҳисобга олган ҳолда, ишга тушириш мажмуаси учун қабул қилинган сувнинг максимал сарфини техник-иктисодий асослаш билан камайтиришга йўл қўйилади.

Бунда, ушбу давр учун максимал сув сарфини ошиб кетиши эҳтимолини ҳисоблаш мазкур ШНҚнинг 5-иловасига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

31. Вақтингчалик гидротехника иншоотларини лойиҳалашда, ҳисобий максимал сарфлар асосий ҳисобий ҳолат учун гидротехника иншоотининг синфи ва фойдаланиш муддатига кўра белгиланган йиллик ошиб кетиш эҳтимоли (таъминланганлик) дан келиб чиқиб қабул қилиниши керак.

Бунда, IV синфдаги вақтингчалик гидротехника иншоотлари учун ҳисобланган максимал сув сарфидан ошиб кетишнинг йиллик ҳисобий эҳтимоли қуйидагиларга тенг деб қабул қилиниши керак:

фойдаланиш муддати:

3 йилгача бўлганда — 10 фоиз;

3 йилдан ортиқ — 5 фоиз.

III синфдаги вақтингчалик гидротехника иншоотлари учун эса:

фойдаланиш муддати:

2 йилгача бўлганда — 10 фоиз;

2 йилдан ортиқ — 3 фоиз.

32. Қурилиш даврида музларнинг тўпланиш ва тиқилиш ҳодисалари юзага келиши сабабли сув сатҳининг кўтарилиши эҳтимолини инобатга олган ҳолда ҳисобий сув сатҳини танлаш керак.

33. Комплекс гидроузел таркибига кирмайдиган кичик ва микро ГЭСлар учун ҳисобланган максимал сув сарфлари асосий ҳисобий ҳолат учун ушбу ШНҚнинг 26-бандига мувофиқ аниқланиши керак.

Сув тошқини даврида кичик ГЭСларда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг тўхтатилишига техник-иктисодий асос бўлганда йўл қўйилади.

3-боб. Тўғонлар

34. Тўғоннинг тури ва конструкцияси унинг функционал мақсадига, мухандислик-геологик, топографик, гидрологик ва иқлим шароитларига кўра ҳудуднинг сейсмиклигини, гидроузелнинг тўпланиши, ишларни ишлаб чиқаришини ташкил этиш чизмасидан келиб чиқиб, маҳаллий қурилиш материаллари мавжудлиги, қурилиш муддатлари ва тўғоннинг фойдаланиш шартларини ҳисобга олиб, вариантларни техник-иктисодий таққослаш асосида танланиши керак.

35. Грунт материаллардан бўлган тўғонлар гидроузелнинг босимли юзасининг ёпиқ қисмлари учун қўлланилиши керак.

Бетон тўғонлардан асосан қояли пойдеворга эга бўлган устунлар ва гидроузелларнинг босимли юзасининг сув тушириш майдонлари учун фойдаланиш керак.

36. Қояли даралар шароитида геологик шароитларга боғлиқ ҳолда тўғон створида аркали тўғонлар, фазовий ишлайдиган бетонли гравитация тўғонлар ва грунт материаллардан тўғонлар қуриш имкониятларини кўриб чиқиши лозим.

37. Бетон ёки темир-бетон тўғонлар турини танлашда турли енгиллаштирилган ва технологик конструкцияларни қўллаш мақсадга мувофиқлиги кўриб чиқилиши лозим.

Бунда, кенгайтирилган чокли ва бўшлиқли гравитацион тўғонлар, контрфорсли тўғонлар, кам цементли зичланган бетондан қурилган тўғонлар ҳамда ГЭС биноси билан бирлаштирилган тўғон конструкциялари киритилиши керак.

38. Дамбаларнинг конструкциясини танлашда тўқма грунтли гидротехника иншоотларига устунлик бериш лозим (агар бу ҳимояланган худудни қўшимча сув босишига олиб келмаса).

4-боб. Гидроэлектр станциялари, гидротўплаш электр станциялар, насос станциялар, кичик ва микро гидроэлектр станциялар

39. Гидроэлектр станциялар, гидротўплаш электр станциялари ва насос станциялари бинолар турини танлаш вариантларнинг техник — иқтисодий қўрсаткичларини таққослаш асосида ва қуйидагиларни ҳисобга олиб амалга оширилиши керак:

станциянинг, унинг асосий ва ёрдамчи ускунасининг юқори самарадорлиги ишини таъминлашни;

гидротехника иншоотлари ва ускуналар ишининг ишончлилигини, кулай доимий ва вақтинчалик фойдаланишни таъминлашни;

гидротехника иншооти ва танланган технологик ускуна босимининг қийматини;

гидроузелдаги станция биносининг ҳолатини ва асосий таянч иншоотларнинг турини; пойдевор грунтларининг қўринишини;

курилиш-монтаж ишлаб чиқариш ва таъмирлаш-тиклаш ишларини шартлари ва усувларини.

40. Ўзанли ва тўғонолди ГЭС ларнинг биноларини лойиҳалашда, сув ташлаш иншоотлари (ер усти ёки ер ости босимли сув ташлагичлар билан) мумкин бўлган турдаги гидроагрегатлар билан тўпламларни бирлаштирилган ва бирлаштирилмаган вариантларини кўриб чиқиш керак.

ГЭС биноси тор дарада жойлашган тоғли шароит учун гидроагрегатларнинг икки қаторли жойлашувини қўллашга йўл қўйилади.

Деривацияли ГЭСлар учун жиҳозлар хонасининг ер устида ёки ер остида, гидроагрегатларнинг турли жойлашуви (бир ёки икки қаторли) билан алоҳида турган биноларни лойиҳалаш лозим.

41. ГЕС, ГТЭС ва НС биноларининг қурилиш гидротехника қисмининг таркибий ечимлари бинони ҳарорат чўкиш чоклари билан ажратилган агрегат секцияларга ажратиш керак.

Агрегат секцияларининг ўлчамлари агрегатларнинг габарит ўлчамларига, пойдевор грунтларининг турига ва бинонинг қурилиш қисмининг конструктив ечимига кўра белгиланиши керак.

Техник-иқтисодий асосланганда, ГЭС, ГТЭС ва НС биноларининг сув ости қисмини ҳар қандай асослар учун бўлинмайдиган конструкцияда қабул қилишга йўл қўйилади.

Монтаж майдонини станциянинг асосий биносидан ҳарорат чўкиш чоклари билан ажратилиши керак.

42. Монтаж майдонининг ўлчамлари минимал қабул қилиниши ва битта монтаж агрегатни жойлаштириш ва бош кучайтирувчи трансформаторнинг ҳисоб-китоб билан танланиши керак.

Бунда, монтаж ишлари учун ускуналар хонасининг бир қисмини ишлатиш имкониятини ҳисобга олиш керак.

Ер ости биноларида ер юзидаги майдонлардан фойдаланиш ҳисобига монтаж майдонини камайтириш имкониятини инобатга олиш керак.

43. ГТЭСларда агрегатларни босимли сув қувурларининг устуни (створи)да жойлаштириш керак.

ГТЭС биноси қояли бўлмаган пойдеворда жойлашганда, қурилиш ва фойдаланиш даврларда қияликларнинг барқарорлигини таъминлаши, босимли қувурлар ётқизилган табиий ёнбағирларини энг кам кесиши билан станцияларнинг тўплами ҳисобга олиниши лозим.

44. ГТЭС ҳавзаларини лойиҳалашда, суткалик тўплаш тўплаш даврига эга юқори ҳавзада, уларнинг интенсив ишлатилиши ва тўлдирилиши режимини ҳисобга олиш лозим.

Зарур бўлган ҳолларда, фильтрацияга қарши ва дренаж қурилмалари билан таъминлашни керак.

45. ГЭСнинг сув қабул қилиш жойларида чиқиндини ушлаб қолиш панжараларини, авария-таъмирлаш ва таъмирлаш затворларини ўрнатиш учун тирқишлиарни инобатга олиш керак.

Панжаралар музлашдан ва муз парчалари билан тиқилиб қолишдан ҳимояланган бўлиши керак.

Сўрувчи қувурларнинг чиқиш тешикларида кўчма таъмирлаш затворларини ўрнатиш учун тирқишлиар ташкил этилиши лозим.

46. Биритирилган ГЭС биноларида, кириш жойида, босимли сув ташлагичлар учун чиқиш жойларида асосий, авария-таъмирлаш ва таъмирланадиган затворларни ўрнатиш учун тирқишлиар мосламасини ҳисобга олиш лозим.

Затворларни жойлашган жойини сув туширгичларнинг тўплами, тури ва конструкцияларидан келиб чиқиб аниқлаш керак.

47. ГТЭС ва НС нинг юқори ҳавзаларининг сув қабул қилиш жойлари авария-таъмирлаш затворлари тўсиладиган панжараларни ўрнатиш учун тирқишлиарга эга бўлиши керак.

Панжараларнинг тирқишлиари, таъмирлаш затворларининг тирқишлиари билан бирлаштирилиши лозим.

48. НС учун чиқиш тешикларида авария-таъмирлаш затворлари ёки сифонларни ўрнатилишини ҳисобга олиш керак.

49. Ёпик ёки босимсиз деривация мавжуд бўлганда, уни текшириш ва таъмирлаш учун бўшатиш имкониятини инобатга олиш керак.

Затворлар билан тўсиладиган сув ўтказиш иншоотларини тўғри бурчакли тешикларининг ўлчамлари мазкур ШНҚнинг б-иловасига мувофиқ қабул қилиниши лозим.

50. Чуқур сув қабул қилгичли ГЭСнинг ёпик деривацияларида панжараларни механик ёки гидравлик тозалаш билан чиқиндиларни ушлаб турувчи панжарани сув қабул қилгич узунлиги бўйича жойлашиш вариантларини кўриб чиқиш керак.

51. ГЭС, ГТЭС ва НС биноларининг сув ости қисмининг ўлчамлари агрегатнинг оқар қисми ўлчамларидан, асосий ва ёрдамчи ускуналарни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича технологик талаблардан келиб чиқсан ҳолда, шунингдек қурилиш конструкцияларининг ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда минимал даражада бўлиши керак.

52. ГЭС биносида (ГТЭС, НС) ишлаб чиқариш, хизмат ва ёрдамчи хоналарнинг ўлчамлари сув ости қисми ўлчамларини ошишига олиб келмаслиги керак.

Ёрдамчи хоналарни жойлаштириш учун оқим қисми устидаги мавжуд бўлган хажмлардан фойдаланиш керак.

ГЭС, ГТЭС ва НС биносининг сув ости қисмининг конструктив элементлари барча агрегат бўлимлари бўйича бирлаштириш (унификация) қилиниши керак.

53. Турбина камераларини текшириш ва таъмирлаш учун бинонинг сув ости қисмida чиқариш ва кириш қувурлари, хизмат галереялари, юриш йўллари, йўллар ва лифтлар (12 м ва undan ортиқ чукурликда) лойиҳаланиши керак.

Галереянинг бошида ва охирида бошқа хоналардан ажратилган ва зинапоя катакларига эга бўлган чиқишлиар бўлиши лозим.

54. Зинапоя катагининг юқориси қуий бъефнинг максимал ҳисобий сув сатҳидан 0,5 м баландликда жойлаштирилиши керак.

Галереяларни сув босишини олдини олиш учун герметик люклар ёки эшиклар бўлиши керак.

55. НС, тўғон олди ва деривацион ГЭС ва ГАЭСларнинг босимли сув қувурлари очик пўлатдан тайёрланган ҳолларда, станция биноларини қувурларнинг тўсатдан бузилиши очибатларидан ҳимоя қилиш бўйича чоралар (очик темир-бетон, темир-пўлатли бетон ва туннель сув қувурлари бундан мустасно) кўрилиши лозим.

56. Тоғли ҳудудларда ГЭС, ГТЭС ва НСларини лойиҳалашда ер ости ёки очиқ турдаги деривацияли ва турбинали сув қувурларини танлаш техник-иктисодий таққослаш билан асосланиши керак.

57. Ёрдамчи ишлаб чиқариш учун мұлжалланган бинолар, (мой хўжалиги бинолари) агар маҳсус талаблар бўлмаса, ер юзасига олиб чиқилиши керак.

58. Ер ости гидротехника иншоотларини лойиҳалашда, транспорт галереялари ёки шахталар орқали ер усти билан алоқа ўрнатилиши керак.

Галереялар ва шахталар орқали ускуналар, материалларни механизациялашган тарзда ташиш ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ташиш амалга оширилишига йўл қўйилади.

59. Хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ер юзига чиқиши таъминлайдиган пиёда йўллари ёки зинапоялар бўлиши керак.

60. Транспорт галереялари ва шахталар монтаж майдонига яқин жойлашган бўлиши керак.

Кабель коммуникациялари транспорт шахталари ва галереялари билан бирлаштирилиши лозим.

61. Қуий бъефдаги барча сув сатхларида сув чиқариш туннелининг гидравлик режимини фақат босимли ёки босимсиз ушлаб туриш керак.

62. Сувни олиб кетувчи туннелда, тўғри асосланган ҳолда сувни босимли режимдан босимсиз режимга ўтиш ёки аксинча босимсиз режимдан босимлига ўтиш қисқа муддатларга йўл қўйилади.

63. Олиб кетувчи босимсиз туннеллар ҳар қандай иш ҳолатларида ҳаво билан таъминланиши керак.

64. Насос станцияларини лойиҳалашда сувни берилган ҳажмда ва сув таъминоти тизимининг барча иш тартиблари учун сув юбориш жадвалларига мувофиқ бўлиши керак.

65. Сувни юбориш ҳажми ва жадваллар тизимнинг сув хўжалиги баланси томонидан қўйидагиларни ҳисобга олиб белгиланиши лозим:

ложиҳалаштирилаётган тизимнинг ҳисобий параметрлари;

сув таъминоти манбасининг гидрологик параметрлари;

сув сақлаш жойидан пастда жойлашган сув оқимида зарур сув сарфлари.

66. Насос станциясида захира агрегатлари сонини сув юборилишининг ишончлилиги тоифасига мувофиқ белгиланиши керак.

67. Катта қувватли ($10 - 15$ минг kW дан ортиқ) насос станциясининг иш режимини белгилашда уни энергия тизими қувват ростлагичининг истеъмолчиси сифатида ишлатиш, ҳамда турбина режимида (қисман ёки тўлиқ қувватда) ишлаш имкониятларини кўриб чиқиш лозим.

68. Насос станцияларининг сув чиқариш иншоотларини лойиҳалашда оқимнинг тарқалиши, қайта тақсимланиши ва сув оқими тезлигининг пасайиши билан сувнинг каналга силлиқ чиқиши керак.

69. Сувни чиқариш иншоотида қувурларни каналдан автоматик равишда узилишини таъминлайдиган ускунани ўрнатишни лозим (тескари клапанлар, затворлар, вакуумни бузиш клапанлари).

2-§. Кичик ва микро ГЭС лар

70. Ўрнатилган қуввати 5 MW гача бўлган ГЭСлар кичик ГЭСларга, ўрнатилган қуввати $0,5 \text{ MW}$ гача бўлган ГЭСлар эса микро ГЭСларга киритилиши керак.

71. Кичик ГЭСларни иккита турга ажратиш керак:

марказлаштирилган энергия таъминоти тизимида ишлайдиган;

энергия тизимидан ажратилган, энергия истеъмолчиларининг энергия таъминотини таъминлайдиган.

Энергия тизимидан ажратилган кичик ГЭСлар учун н қувватни энерго-иктисодий ҳисоб-китоблар асосида аниқланиши керак.

Микро ГЭСлар алоҳида истеъмолчини (истеъмолчиларни) энергия таъминоти учун ишлаши лозим.

72. Комплекс гидроузел таркибида қуриладиган кичик ГЭСларни лойиҳалашда, уларнинг иш тартибини асосий сувдан фойдаланувчилар билан боғлаш керак.

73. Кичик ва микро ГЭСларни лойиҳалашда қуйидаги талабларни инобатга олган бирлаштирилган (унификацияланган) лойиҳаларни кенг қўллаш зарур:

кичик ва микро ГЭСларнинг техник тавсифларини, ускуналарини ва қурилиш қисмларини максимал турларга ажратиш;

технологик ускунанинг юқори завод тайёргарлигини;

индустриал қурилиш конструкциялари ва буюмлари, маҳаллий (грунтли ва тошли) материаллардан кенг фойдаланишни;

ускуналар ва конструкцияларни автомобилли ва занжир (гусеница)ли кранлардан фойдаланиб монтаж қилишни.

74. Кичик ва микро ГЭСлар максимал даражада автоматлаштирилган, масофадан бошқариладиган бўлиши керак.

75. Кичик ва микро ГЭСларнинг ускуналар хонасининг ўлчамлари технологик ускуналарни жойлаштириш шартларидан келиб чиқсан ҳолда минимал даражада белгиланиши керак.

Ускуналарни монтаж қилиш жараёни учун очиқ монтаж қилиш майдонларини ва ечиб олинадиган томли майдонлардан фойдаланиш лозим.

76. Кичик ва микро ГЭС сув қабул қилувчилари авария-таъмирлаш затворлари ва чиқиндиларни ушлаб қолувчи панжаралар билан жиҳозланган бўлиши керак.

Қуий бъеф томонида, сув қабул қилувчиларининг чиқиш жойларида кўчма тўсиқни таъмирлаш учун тирқишилар ҳисобга олиниши лозим.

Авария-таъмирлаш затворларини сув қабул қилгичга ўрнатишдан кўра қуий бъеф томонидан ўрнатишга йўл қўйилади.

77. Кичик ГЭСларнинг деривация сув қувурлари ер усти ва ер остида бўлишига йўл қўйилади.

Микро ГЭСларнинг деривация сув қувурлари очиқ каналлар, лотоклар ёки қувурлар кўринишида ер устида жойлаштирилиши зарур.

78. Кичик ГЭСлар каскадининг асосий (энг катта) тартибга солувчи станцияси дарёнинг юқори қисмiga жойлаштирилиши керак.

5-боб. Сув ташлаш, сув тушириш ва сув чиқариш иншоотлари

79. Сув ташлаш, сув тушириш ва сув чиқариш иншоотлари қуйидаги функцияларни бажариш таъминланиши керак:

а) сув ташлаш иншоотлари:

юқори бъефда лойиҳада белгиланган сув сатҳидан ошиб кетмасликни олдини олиш учун тошқинларни ва ёмғирли тошқинларни сув сарфларини ҳамда бошқа фойдаланилмайдиган сув сарфларини ўтказиб юбориш;

муз, майда муз бўлакларини, чиқиндиларни ва бошқа юқори оқимдан қуий оқимга сузадиган буюмларни чиқариб ташлаш (агар бу талаб гидроузелнинг фойдаланиш шартларига тўғри келса);

б) сув тушириш иншоотлари:

сув омборларини ёки канални тўлиқ ва қисман бўшатиш;

сув тубидаги чўкиндиларни ювиб ташлаш;

в) сув чиқарувчи иншоотлар:

сувни сув омборларидан ёки каналлардан чиқариб юбориш.

Мазкур гидротехника иншоотларини ёки уларнинг бир қисмини гидроузел таркибига киритилиши гидроузелнинг аниқ шартлари ва вазифасига мувофиқ бўлиши лозим.

Сув ташлаш, сув тушириш ва сув чиқариш иншоотларининг турларини иншоотнинг функционал йўналтирилганлигига, муҳандислик-геологик ва бошқа шароитларга қараб вариантларни техник-иктисодий таққослаш асосида танлаш керак.

Битта гидротехника иншоотида турли функцияларнинг бирлаштирилишини ушбу ШНҚнинг 9-бандига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Сув ташлаш иншоотларининг турини танлашда ер усти гидротехника иншоотларига устунлик бериш керак.

80. Сув ташлаш, сув тушириш ва сув чиқариш иншоотларини лойихалашда қурилиш давридаги сув сарфини ўтказиб юбориш учун улардан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш керак.

81. Сув ташлаш иншоотлари тешикларининг тури, сони ва кўндаланг кесим ўлчамларини танлаш сувнинг хисобий сарфини ўтказиб юбориш талабларидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак.

Текширув хисобий ҳолат учун ҳисобланган сув сарфининг ўтиши ушбу ШНҚнинг 27-бандига мувофиқ таъминланиши керак.

82. Затворлар билан тўсиб қўйиладиган сув ўтказадиган иншоотларининг тўғри бурчакли тешикларининг оралиғини (кенглигини) ва баландлиги мазкур ШНҚнинг б-иловасига мувофиқ белгиланиши керак.

83. Сув ташлаш, сув чиқариш иншоотларининг қуи бьефидаги солиштирма сув сарфини белгилаш, уларнинг конструкциясини танлаш, бьефларни сув ўтказгич конструкциялари, рисбермалари, қирғоқларни маҳкамлаш конструкцияларини, алоҳида ва туташтирувчи деворларни танлаш маҳсус гидравлик хисоблар асосида вариантларни техникиктиносидай таққослаш билан асосланиши керак.

Асосий гидротехника иншоотлари учун математик моделлаштириш ва/ёки гидравлик модель тадқиқотлари асосида амалга оширилиши керак.

84. Сув чиқариш иншоотларининг умумий тузилиши (компоновка қилиниши) ва лойихалашда уларнинг қуи бьефи билан ўзаро боғлиқлигини танлашда гидроузел иншоотларининг пойдеворларини хавфли ювилиб кетилишидан, ГЭС биноларини тушадиган оқимлардан ҳимоя қилиш ва ушбу иншоотлардан фойдаланиш учун нокулай бўлган канал деформацияларини олдини олишни таъминлаш керак.

Сув ташлаш иншооти элементлари учун гидродинамик таъсирларни, оқим катта тезликлар билан оқиб ўтганда кавитация ва чўқиндилар билан ишқаланиш ҳодисаларини хисобга олиш керак.

85. Сув оқими тезлиги 15 m/s дан ортиқ бўлган сув ташлаш иншоотларини ва қуи бьефда маҳкамлагичларни лойихалашда оқим қисмининг геометрик шакллари кавитация бўлмаслигини таъминлайдиган тарзда бўлиши керак.

86. Агар ушбу ШНҚнинг 84-банди талабларини таъминлашнинг имкони бўлмаса, мумкин бўлган вакуумни вужудга келиши зонасига ҳаво етказиб беришни, кучайтирилган мустаҳкам бетондан фойдаланишни, ҳимоя қопламаларини ёки металл қопламани ўрнатиш керак.

87. Босим 50 m дан ошганда, ёпиқ сув ташлагичнинг оқимга тушувчи юзаларини кавитация эрозиясидан ҳимоялаш ёки сув оқимининг пастки бьефга туташиши шароитларига кўра, кинетик энергияни оралиқ сўндириш талаб этилганда, шунингдек сув ташлаш йўлагининг бутун кесимини оқим билан тўлдириш ёки сув ташлаш миқдорини тартибга солища режимларнинг ўзгаришини истисно қилиш зарур бўлганда, гидротехника иншооти ичидаги энергияни сўндирувчи сув ташлагичларни қўллашни кўриб чиқиш лозим.

88. Асосий ҳисобий ҳолат учун қабул қилинган сув ташлаш конструкциялари ва уларнинг юқори ва қуи бьефлари билан бирикиш элементлари қуидагиларга текширилиши керак:

текшириладиган ҳисобий ҳолатга;

сув ташлашнинг бир оралиғи (сув чиқарилиши, сув туширилиши) тўлиқ очилган ҳолатда, қолган қисми ёпиқ ва ГЭСнинг нормал ишлашига (белгиланган қувватнинг 80 фоизи).

ГЭС мавжуд бўлмаганда, қуи бьефнинг даражасини, санитар-техник талабларга мувофиқ минимал йўл қўйилган даражада сифатида қабул қилиниши, бунда ушбу ШНҚнинг 27-банди талабларига риоя қилиш лозим.

89. Сув ташлаш иншоотларини (сув чиқариш, сув тушириш) лойихалашда затворларнинг манёвр қилиш схемалари чизмаларини ишлаб чиқиш керак.

Бунда, тавсия этилган затворларнинг манёвр қилиш схемалари пастки бъефда иншоотларни ва уларга туташган ўзан худудларини ювилишдан ҳимоя қилиш бўйича кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқармаслиги керак.

90. Гидроузел комплекси умумий тузилишида (компоновка қилинишида) юқори ва қўйи бъефда қурилиш сарфини ўтказиш учун ва унинг таркибига кирадиган иншоотлардан (ГЭС, сув йиғиши иншоотлари, сув қабул қилиш иншоотлари) фойдаланишда қийинчилик туғдирмайдиган гидравлик шароитларни таъминлаш керак.

91. Сув ташлаш, сув тушириш ва сув чиқариш иншоотларни лойиҳалашда асосий ва авария-таъмирлаш затворларини ҳисобга олиш керак.

92. Асосий сирт затворлари олдида, фойдаланиш ва қурилиш чукур сув ташлаш иншоотларининг асосий затворлари олдида, сув чиқариш ва сув тушириш иншоотларида авария-таъмирлаш затворларини инобатга олиш лозим.

93. Доимий чукур сув ташлагичларга киришни бўшатишнинг иложи бўлмаганда, бош қисмининг кириш қисмида асосий ва авария-таъмирлаш затворларидан ташқари (масалан, қия ёпилган) таъмирлаш затворлари ҳам ўрнатиш назарда тутилиши керак.

94. Бир хил тешиклари бир нечта бўлган сирт сув ташлагичларда кўчма авария-таъмирлаш (таъмирлаш) ясси затворларидан фойдаланишга йўл қўйилади: уларнинг сони тешиклар сонидан кам бўлиши мумкин.

95. Чукур сув ташлагичлар остоналари қўйи бъеф сатҳидан пастда жойлашган бўлса, сув ташлагич чиқиш кесимида кўчма таъмирлаш затворларини ҳисобга олиш лозим.

96. Затворлар ва кўтариш механизмларининг турларини танлашда баҳорги тошқинлар ва ёмғир тошқинларининг ўсиш тезликларини, бъефларнинг туплаш қобилиятини, шунингдек қўйи бъефда турбиналарнинг бир қисми ёки барча ГЭСларнинг тўсатдан ўчиши холатида минимал сув сарфини таъминлаш зарурлигини ҳисобга олиш керак.

97. Йирик ясси затворли чукур сув ташлаш мавжуд бўлганда (майдони 30 m^2 дан ортиқ) ва сарфлар битта сув ташлаш тешигининг ўтказиш қобилиятидан сезиларли даражада кам бўлган тез-тез сув ташлашни амалга ошириш зарур бўлганда, сегментли ёки телескопик затвор билан жихозланган маҳсус сув чиқариш тешиги қурилиши керак.

6-боб. Сув тўплаш иншоотлари ва тиндиргичлар

1-§. Сув тўплаш иншоотлари

98. Сув тўплаш иншоотлари куйидагиларни таъминлаши керак:

ГЭС, ГТЭС ва НСларнинг сув қувурлари, сугориш тизимларининг магистраль каналлари ва бошқа сув фойдаланувчиларга узлуксиз сув жўнатишни;

сув қувурларига ва каналларга режали кўрикдан ўтказишда, фойдаланиш тартибига мувофиқ таъмирлаш ва авария содир бўлганда уларга сув беришни тўхтатишни.

Сув қувурлари ва каналларга сингиб кетган чўкинди, сузиб юрувчи предметлар ва чиқинди, ёғоч қисмлари, муз, муз парчалари тушишидан ҳимоя қилиш учун ушлаб қолиш тўсинлари, чиқиндини ушлаб қолувчи панжаралар, тўсадиганлар, майда музларни ўтказувчи жойлар, остоналар, юувучи галереялар, чўқтиргичлар билан таъминлаш, шунингдек сувдан чиқиндиларни олиб ташлаш бўйича чора-тадбирлар ҳисобга олиниши керак.

99. Моллюскалар личинкалари тўпланган жойларда (агар моллюскаларни йўқ қилиш бўйича чоралар кўзда тутилмаган бўлса) сув олишга йўл қўйилмайди.

Босимсиз деривацияли сув қувурлари бўлган ГЭСларда майда музларни турбиналар орқали ўтказишни инобатга олиш керак.

100. Кафолатланган сув олиш шартлари дарё ва канал майдонини ўрганилганлиги, фойдаланиш жараёнида каналнинг деформациясининг прогноз қилинган ҳисоб-китоблари, тартибга солинган каналнинг режалаштирилган шаклларини мақбул белгилаш асосида аниқлаш керак.

101. Сув олиш иншоотининг таркиби, конструкцияси ва тўплами унинг мақсадига мувофиқ ва сув қувуригининг турига, фойдаланиш шароитларига, табиий шароитларга, сув

ҳавзаси ва сув оқимининг гидрологик тартибига, қирғоқларнинг морфологиясига кўра танланиши керак.

102. Кириш қувурларига ҳаво киришини олдини олиш ва босим йўқотишларини минималлаштириш билан сув таъминотини таъминлаш керак.

Сув қабул қилувчи иншоотни таъмирлаш ёки тозалаш учун ҳар қандай бўлимни ўчириш имкониятини таъминлаш мақсадида бир нечта бўлимдан иборат қилиб лойихалаштирилиши керак.

103. Сув омборларидан ичимлик суви олишда қирғоқ чизиғининг қайта ишланиши, уларни жойлаштириш мумкин бўлган жойларда сувнинг ҳақиқий ва прогноз қилинаётган сифати, аэрация ва сув сатҳи оқимларининг интенсивлиги, шунингдек ер усти оқимларидағи биомасса, шу жумладан сув ўтларининг микдорий таркиби ҳисобга олиниши керак.

104. Сув тўплаш турини танлаш дарёдаги сув сатҳи ва лойихалаштирилган магистраль каналда талаб қилинадиган даражаларга қараб, топографик, гидрологик ва геологик шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

105. Сув олиш створида дарёдаги сув сатхининг каналдаги сув сатҳидан баландлиги етарли бўлмаганда тўғонли сув олишни ҳисобга олиш керак.

Тўғонли сув олиш жойини насос станциялари орқали механик сув кўтарувчи сув олиш мосламасига алмаштиришга йўл қўйилади.

106. Дарёда табиий ҳолатдаги максимал сув сарфининг қиймати мазкур ШНҚнинг 26-банди талабларига мувофиқ белгиланиши керак.

Ҳисобий сув сатҳи сифатида қўйидагилар қабул қилиш лозим:

тўғонсиз сув олишда — майший ёки юқорида жойлашган сув омбори томонидан бошқариладиган, ўзан жараёнларини ҳисобга олган ҳолда асосий ҳолатдаги максимал сув сарфининг ҳисоблангандағи сув сатҳи;

тўғонли сув олишда — текшириш ҳисобий ҳолатига мос келадиган ҳисобланган максимал сув сарфи ўтказишда юқори бъефдаги сув сатҳи.

107. Ўзини-ўзи тартибга солувчи сув қувурларнинг сув қабул қилиш жойларида авария-таъмирлаш затворлари ҳисобга олиниши керак.

108. Сирт сув олишли сув қабул қилгичларда босимли деривацияли чуқурлардан тўлиқ ўтувчи каналга фақат таъмирлаш затворларини ўрнатишга йўл қўйилади.

109. Ўзини-ўзи тартибга солмайдиган сув қабул қилиш жойларида (босимсиз сув қувурларининг чуқур сув қабул қилиш жойларида) босим остида узлуксиз тартибга солиш учун мослаштирилган ва кўтариш механизмлари билан жиҳозланган асосий затворларни, шунингдек авариявий-таъмирлаш затворларни лойихалаш ҳисобга олиниши керак.

110. Сув қувурларига тушадиган чўқиндиларининг кириб келишидан ҳимоя қилиш учун оқимнинг юқори катламларидан сув олинишини таъминлаш, шунингдек сув қабул қилгичга кириш қисмида қўйидагиларни таъминлаш керак:

тубида ювиш тешиклари бўлган баланд остоналар мавжудлигини;

кия йўналган туб остонаси ва экран деворлари мавжудлигини;

сув қабул қилгич чўмичлар, оқим-бошқарувчи қалқонлар ва шпорлар ўрнатилганлигини.

тартибга солиш ва тузатиш иншоотларини қуришни;

курилган сув олиш гидроузелларидан фойдаланиш шароитларида текширувдан ўтган бошка тадбирларни ўтказиш имконияти мавжудлигини;

111. Катта бўлмаган қувватли манбадан сув олиш иншоотларининг конструкцияси ва ўлчамлари шамол томонидан манбага олиб борадиган, сув оқимида ҳаракатда бўлмаган сув ёки чўл-дашт ўсимликларининг ҳаракатланиши шароитида уларнинг нормал ишланини таъминлаши керак.

112. Агар турбиналар орқали муз ва майда муз бўлаклари ўтишининг имконияти бўлмаса, сув оқимининг муз, майда муз парчалари ва фойдаланиш шароитларидан келиб чиқиб, қўйидагиларни инобатга олиш керак:

сув оқимининг тегишли ҳарорат ва тезлик тартиблари мавжуд бўлганда юқори бъефда муз қоплами ning шаклланиши учун шароит яратишни;

юқори бъефда майда муз бўлакларини ва устки музни ушлаб қолишни;

бош тармоқда майда муз бўлакларини ва устки музни тўғон орқали чиқариб ташлашни;

юқори бъефда майда муз бўлакларини ушлаб туриш имконияти бўлмаганда, шунингдек куйи бъефда майда муз бўлакларининг тўсиб қўйилиши хавфи мавжуд бўлганда, каналда ёки босимли ҳавзадаги майда муз бўлакларини туширадиган иншоотлари орқали майда муз бўлакларини туширишни.

113. Майда муз бўлакларини ва музни қуйи бъефга тўкишда, шунингдек тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун зарур сарфларни ўтишини инобатга олиш керак.

114. Сув олиш иншоотлари, олинадиган сувнинг тегишли равишда тозаланишини таъминлаши керак.

Бунинг учун гидроузел таркибида чиқиндиларни тутиб оладиган ва чиқиндиларни ушлаб қоладиган иншоотлар ва курилмалар — тиндиргичлар, шағал ва қум ушлагичлар бўлиши керак.

115. Сув олиш иншоотларини лойиҳалашда ушбу ШНҚнинг 10-боби талабларига риоя қилиш керак.

2-§. Тиндиргичлар

116. Чиқиндиларни тутиб оладиган ва чиқиндиларни ушлаб қоладиган иншоотлар ва курилмалар қуидагиларни таъминлаши керак:

йириклиги техник-иктисодий ҳисоб-китоблар билан асосланган қийматдан ошиб кетадиган чўкинди зарраларини чўқтириш ёки тутиб олиш йўли билан сувни тозалашни;

сув таъминлаш жадвалларига биноан сув қувурларига тозаланган сувни узлуксиз узатишни;

сигим камераларида ётган чўкиндилаарни бартараф қилишни.

Чиқиндиларни тутиб оладиган, чиқиндиларни ушлаб қоладиган иншоотлар ва суғориш тизимларини қурилмалари қуидаги талабларни таъминлаши керак:

суғориш тармоғига фақат суғориш тизимини лойқаланишдан ҳимоя қилиш бўйича лойиҳада қабул қилинган чора-тадбирлар билан рухсат этилган миқдорли ва йирик бўлган ўша чўкиндилаарни ўтказиши;

силлиқланмаган каналларнинг ювилиб кетилишига олиб келмайдиган сувнинг тозалик даражасини;

кулай шароитларда сифимда ётган чўкиндилаарни гидравлик ювиш имкониятини.

117. Дарёларнинг ўрта ва қуйи оқимларида сув олиш кўпайгандан, чўккан оқизиқларни тиндиргичлардан дарёга оқизишига йўл қўйилмайди.

Бундай шароитда тиндиргичлар чўкиндилаарни чиқиндихоналарга чиқариб ташлаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши, бунда уларни харита кўринишида жойлаштириш ва қишлоқ хўжалигига фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш керак.

Чиқиндихоналар остидаги грунтнинг унумдор қатлами олиб ташланиши ва рекультивацияда ишлатилиши керак.

118. Суғориш тизими каналларидаги тиндиргичларни ҳисоблаш лойқалиги йиллик ўртача бўлган лойка чўкиндилаар таркиби учун амалга оширилади, кейинчалик лойиҳалаштирилган тиндиргичнинг лойқалиги максимал бўлган йил бўйича ишлаш қобилияти каналнинг иш режимларини ҳисобга олган ҳолда текширилади.

119. Тиндиргич жойлашувини бош гидроузел чегаралари ёки магистраль каналларида танлашда қуидагиларни ҳисобга керак:

геологик ва топографик шароитларни;

камераларда чўкиндилаарни чўкишини таъминлайдиган сигимга сувни олиб келинишини;

чўкинди камераларида чўкиб қолган чўкиндилаарни олиб ташлаш ёки сақлаш имкониятларини;

гидроузелнинг қуи бьефидаги магистраль (деривацион) канал ва дарёнинг сув ташиш қобилиятини.

120. Тиндиригич турини танлашда (доимий ёки даврий ювиш, механик тозалаш) қуидаги талабларни инобатга олган ҳолда тиндиригични курилиши ва фойдаланишида техник-иктисодий таққослаш асосида амалга оширилиши керак:

ювиш трактининг етарлилиги, гидравлик қиялиги ва эркин сув сарфи мавжудлигida тиндиригичларни фақат гидравлик ювиш билан ишлатишни;

чўқиндиларни тўлиқ ювиш учун зарур бўлган сув босимлари фарқи бўлмаганда, комбинацияланган (механик ва гидравлик) тозалаш билан тиндиригичлардан фойдаланишни.

121. Сув қувурига ёки сугориш тармоқларига сув етказиб беришда узилишлар ёки тозаланмаган сувни қисқа муддатли етказиб беришга йўл қўйилган ҳолларда даврий ювиладиган бир камерали тиндиригичлардан фойдаланиш керак.

7-боб. Ёпиқ кўндаланг кесимли сув ўтказгичлар ва улардаги иншоотлар

1-§. Умумий талаблар

122. ГЭС, ГТЭС ва НСларнинг ёпиқ кўндаланг сув ўтказгичлари лойиҳада назарда тутилган барча фойдаланиш режимларида сувнинг ўтишини таъминлаши керак.

123. ГЭС, ГТЭС ва НСларнинг босимли сув ўтказгичларининг трассаси ва бўйлама профили, ҳар қандай иш тартибида сув ўтказгичларда вакуум ҳосил бўлишга йул қўйилмаслиги лозим.

124. Ёпиқ кўндаланг кесимли сув ўтказгичлар ва улардаги иншоотларни лойиҳалашда гидравлик ҳисоб-китоблар амалга оширилиши, I ва II синф гидротехника иншоотларининг сув ўтказгични узунлиги бўйлаб босимнинг йўқолишларини, гидравлик зарбани ҳисобга олган ҳолда босимли сув ўтказгичининг узунлиги бўйича, сувнинг нотекис ва беқарор ҳаракати билан босимсиз сув ўтказгичларда энг юқори ва энг паст сув сатҳларини аниқлаш учун лаборатория изланиш ишларини бажариш керак.

125. Бутун узунлиги бўйлаб ёки алоҳида ҳудудларда очиқ бўлган ГЭС ва ГТЭС турбинанинг пўлат сув қувурлари учун сув қабул қилгичда қувур ёрилганда босимли трактдан тезда узилишини таъминлайдиган индивидуал юритмали авария-таъмирлаш затворларини ўрнатиш керак.

Авария-таъмирлаш затвори олдида таъмирлаш затвори ўрнатилиши керак.

ГЭС ва ГТЭС биноларини сув тошқинидан ҳимоя қилувчи иншоотлари инобатга олиниши лозим.

126. Тўғон танасидан ёки тоғ массивидан ўтадиган қувурлар учун, пўлат-бетон ва темир-бетон қувурлар учун авария-таъмирлаш затворлари ва ҳимоя иншоотлари бўлмаслигига йўл қўйилади.

Авария-таъмирлаш затворлари орқасида қувурга ҳаво етказиб берилиши таъминланиши керак.

2-§. Гидротехника тунеллари

127. Трассани ва туннель турини (босимли ёки босимсиз), маҳкамлаш конструкциясини ва кўндаланг кесим шаклини танлашни вариантларни техник-иктисодий таққослаш асосида амалга ошириш керак. Бунда, қуидагилар ҳисобга олиниши керак:

гидроузел умумий тузилиши (компоновка қилиниши);

ернинг ҳисобий юзасига нисбатан жойлашиш чуқурлиги ва катталиги;

муҳандислик-геологик ва тектоник шароитлари;

туннелнинг гидравлик режими;

ишлаб чиқариш шартлари;

гидроузелнинг қўшни ер ости ва ер усти иншоотларининг таъсирлари.

128. Лойиҳалаштирилаётган туннель трассасини, тўғри чизиқли, энг қисқа узунлиқда танлаш керак.

Туннелнинг тўғри чизиқли бўлмаган трассасига ўта мураккаб муҳандислик-геологик ёки гидрогоеологик шароитларда (тектоник бузилишлар, ёриқлар, кўчкилар), мураккаб қурилиш шароитларида йўл қўйилади.

Гидроузел иншоотининг жойлашиш шароитларига кўра, агар туннель фаол тектоник ёриқ зонасини кесиб ўтса, туннель қопламасининг тузилишини ер массивидаги тектоник кучларга бардош берадиган, мослашувчан қилиб лойиҳалаш лозим.

129. Сув сарфларини ўтказиш учун туннелларни лойиҳалашда улардан қурилиш сув сарфларини хам ўтказиш учун фойдаланиш имкониятини ҳисобга олиш керак.

130. Вақтинчалик туннелларни лойиҳалашда, уларнинг фойдаланиш муддати тугагандан сўнг, гидроузелнинг гидротехника иншоотлари асосида грунт массивининг талаб қилинган табиий хусусиятларини сақланишини таъминлайдиган тўлдиришни инобатга олиш керак.

Тўғоннинг фильтрацияга қарши элементи створини кесиб ўтадиган вақтинчалик туннеллар фойдаланиш муддати тугагандан сўнг, юқори бъеф босимига чидамли бетон тиқинлар билан ёпиб кетилиши керак. Бунда, қамровчи массивнинг юк кўтариш ва фильтрация қобилиятини туннель атрофида заифлашган зона мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш керак.

131. Туннелларнинг конструкцияларини лойиҳалашда грунт массивининг юк кўтариш қобилиятидан максимал даражада фойдаланиш керак.

3-ғ. Қувурлар

132. Қувурнинг тури ва конструкциясини танлашда қувурнинг мақсадини, уни монтажи ва фойдаланиш шартларини, иншоотнинг тузилиши (компоновкаси), босимни қийматини, пойdevori грунтининг хусусиятларини ҳисобга олиб техник-иктисодий таққослаш варианtlари асосида амалга оширилиши керак.

Турли хил варианtlарнинг бир хил кўрсаткичларида пўлат-бетон ва темир-бетон конструкцияларга устунлик бериш керак.

Қувурларни лойиҳалашда чўкувчан, сув босган, лойли грунтларда ва ботқоқ ҳудудларда алоҳида таянчлар ёки турли конструкцияли эстакадалар ёрдамида ер сатҳидан юқорида ўтказиш ва пойdevorнинг грунтларини мустаҳкамлаш бўйича маҳсус чоралар инобатга олиниши лозим.

133. Ер усти ётқизилган қувурни қоясимон бўлмаган асосда лойиҳалашда унинг узунлиги бўйича компенсаторлар (ГЭС, ГТЭС ва НС сув қабул қилгичларида) қурилиши, улар қувур жойлашган ҳудудларнинг мустақил чўкишини ва уларнинг ҳарорат деформациясини ёки қувурнинг яхлит темир-бетон пойdevor конструкцияси бир текисда чўкишини таъминлай олиши керак.

134. Қувурнинг конструкциясини танлаш (ўлчамларини, арматуралаш, материалларни) ҳисоб-китоб билан асосланиши керак.

135. Қувурларни лойиҳалашда металларни коррозиядан ҳимоя қилишини ГОСТ 9.602-2016 ва ҚМҚ 2.03.11-96 талабларига мувофиқ бўлиши керак.

136. Қувурни кириш қисмida ва трассада, қувурни сув билан олдиндан тўлдириш учун ҳамда ҳавони юбориш ва чиқариш учун мосламалар ҳисобга олиш лозим.

Қувур тирсаги ўқининг радиуси камида учта қувур диаметридан иборат бўлиши керак.

137. Темир-бетон ва пўлат-бетон қувурларига, арматура ва бетоннинг коррозияси шартлари бўйича конструкциянинг узоқ муддатлилигини, шунингдек етарли даражада фильтрацияли ўтказмаслигини таъминлайдиган ёриқлар очилишининг кенглигини чеклаш талабини қўйиш керак.

Темир-бетон ва пўлат-темир-бетон қувурларга ёриқларнинг очилиш кенглигини чеклаш талабини қўйиш зарур.

4-§. Кунлик тартибга солинадиган ҳовузлар ГЭС, ГТЭС ва НСнинг босимли ҳовузлари

138. Техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлса, тўғонларнинг юқори бьефида ва деривацион сув қувурларида етарли даражада ростлаш сифимлари мавжуд бўлмаганда деривацион ГЭСларнинг суткалик ростлаш ҳавзаларини лойиҳалашни ҳисобга олиш керак.

139. Кунлик ростлаш ҳавзалари деривация йўналишида ёки унинг тармоқларида, босимли ҳавзага яқинроқ жойлаштирилиши лозим. Бунда, дарёлар водийси ва табиий чукурликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, ҳавзалардан сув сизиб чиқиши, лойқа ва оқизиқлар билан тўлиб қолиши эҳтимолини ҳисобга олиш зарур.

Кунлик ростлаш ҳавзасини босимли ҳавза билан бирлаштиришга йул қўйилади.

140. Энг юқори иш режимига эга бўлган ГЭСнинг суткалик ростлаш ҳавзаларини ва ГТЭСнинг босимли ҳавзаларини лойиҳалашда сув сатҳининг кескин ўзгариши, қияликларда музлашнинг тўсувчи иншоотларининг турғунлиги, уларнинг қопламалари мустаҳкамлилигига таъсирини ҳисобга олиш керак.

141. Босимли ҳавзаларни лойиҳалашда қўйидагиларни инобатга олиш керак:

ортиқча сувни ҳамда сузадиган буюмларни, чиқиндини, музни ва майда муз бўлакларини чиқариб ташлашни;

ҳавзада туриб қолган чўқиндиларни бартараф қилишни;

турбина сув қувурлари авариявий ёки фойдаланишдан бўшатилганда уларга ҳаво киритиш, сув қувурлари сув билан тўлдирилганда ҳавони чиқариш қурилмаларни.

142. Босим ҳавзаларида максимал сатҳ ўрнатишда ГЭС ва ГТЭСларнинг юкланишларини тўкишда ҳосил бўлган димланган сув тўлқинини ҳисобга олиш керак.

Босимли ҳавзадаги сувнинг минимал фойдаланиш сатҳини ГЭС ва ГТЭС нинг фойдаланиш шароитларига кўра энг катта юкламани ишга туширишда ўрнатилмаган режимда тўлқиннинг оқишини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш керак.

143. Деривацион сув қувурларини лойиҳалашда босимли ҳавза ёнида автоматик ишлайдиган сув ташлаш иншоотларини (затворларсиз сув тоширгич, сифонли сув ташлагич, гидравлик автоматик затворли сув ташлагич) бўлиши лозим.

Бу иншоотлар ГЭСнинг барча ҳисобланган сув сарфини ўтказиб юборишни ёки ГЭС тўхтатилганда, пастроқда жойлашган сув истеъмолчиларига сув етказиб беришни таъминлаши керак. Бунда, сув истеъмолчиларининг захира сифимлари мавжудлиги ҳисобга олиниши зарур.

144. Босимли ҳавзаларнинг қоя бўлмаган асосларида (чўқадиган грунтларда) жойлашганда, сув ҳавзаси фильтрацияси натижасида юзага келиши мумкин бўлган кўчки ҳодисалари, нотекис ёғингарчиликларнинг олдини олиш чораларини инобатга олиш лозим.

145. НС босимли ҳавзаларини лойиҳалашда қўйидаги чора-тадбирларни инобатга олиш керак:

босимли қувурлардан чиқадиган сувнинг кинетик қувватини сўндириш;

босимли ҳавзаларда қолиб кетган чўқиндиларни бартараф қилиш;

босимли бассейннинг канал ёки ундан чиқувчи сув қувурлари билан равон туташиши.

146. Босимли қувурларни босимли ҳавзалар билан бирикиши қўйидаги холларда бажарилишига йўл қўйилади:

босимли қувурлардан сувнинг босимли ҳавзадаги сув сатҳигача оқиши схемасига кўра, ҳар бир босимли қувурнинг бошида тескари клапан (насос тўхтатилганда сувнинг тескари оқишини олдини олиш учун) ва задвижка (клапанни таъмирлаш вақтида босимли қувурни ажратиб қўйиш учун) ўрнатилганда;

сифонли сув чиқариш қурилмалари ёрдамида, уларнинг ҳар бири насос тўхтатилганда сифондаги вакуумни узиш ва босимли ҳавзадан насосга сувнинг тескари оқимини олдини олиш учун автоматик ҳаво клапани билан жихозланганида.

Мазкур вариантни танлаш техник-иқтисодий таққослаш билан асосланиши лозим.

5-§.Тенглаштирувчи резервуарлар

147. Тенглаштирувчи резервуар мосламасининг зарурлиги, чиқадиган деривация босими, гидравлик зарба ҳисоб-китоблари ва агрегатларнинг иш шароитларини таҳлил қилиш билан асосланиши керак.

148. Тенглаштирувчи резервуарларнинг ўтувчи тартибларининг гидравлик ҳисоби юкланишни ўчиришга (тушириш) ва ёкишга (кўтариш) учун амалга оширилиши лозим.

Тенглаштирувчи резервуаридаги сув сатхининг энг катта қийматини ГЭСнинг барча агрегатлари юкламаси тўлиқ бўшатилганда аниқлаш керак.

Бунда, юқори бъефдаги сув сатхини энг юқори, босим йўқотилишини эса энг кам деб қабул қилиш керак.

Тенглаштирувчи резервуардаги сув сатхининг энг кўп пасайиши қиймати фойдаланиш шароитларига кўра юкланиш энг юқори даражада ошган ҳолда аниқлаш лозим.

Бунда, юқори бъефдаги сув сатхини энг паст, босим йўқотилишини эса мумкин бўлган энг юқори даражада деб қабул қилиш керак.

8-боб. Каналлар

149. Канал трассасини, сув оқимини, кўндаланг кесмаларини, конструктив параметрларини танлаш каналнинг мақсади ва маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда техник-иктисодий асослаш асосида амалга оширилиши лозим.

150. Каналларнинг режали жойлашуви ҳудуднинг рельефи, грунтли шароитлар, ҳудуднинг ўзлаштирилганлиги ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича талабларга мувофиқ бўлиши керак.

151. Каналларни лойиҳалашда уларни чукурликда ёки ярим чукурлик, кўтармада жойлаштириш лозим.

Каналнинг кўтармада қурилишига унинг йўналиши маҳаллий пастликлар билан кесишганда йўл қўйилади.

152. Каналлардаги сувнинг тезлигини уларнинг каналларини лойқаланмаслиги ва ювилмаслиги шартларидан келиб чиқиб ҳисоб-китоблар билан аниқлаш керак.

153. Канал ўзанининг ювиллишини олдини олиш мақсадида уни қоплаш зарурати қиёсий техник-иктисодий ҳисоб-китоблар асосида белгиланиши лозим.

154. Каналларни лойиҳалашда кучли ўтказувчан грунтларда ва қуйи жойлашган ер майдонларини сув босишини олдини олиш учун филтрлашга қарши чора-тадбирларни инобатга олиш керак.

155. Каналларнинг охирги қисмида, каналларни бўшатиш учун сув ташловчи иншоотлар лойиҳаланиши керак.

Канал узунлигининг охирги қисмида сув ташлаш иншоотлардан ташкари, авария сув ташлагичлари ташкил этилиши керак, уларнинг жойлашуви муҳофаза қилинадиган объектлар ва маҳаллий шароитларга қараб танланиши лозим.

156. Каналлар бўйлаб каналлар ва ундан иншоотларнинг ҳолатини назорат қилиш учун хизмат (инспекторлик) автомобиль йўлларини, шунингдек аҳоли пунктлари ҳудудларида чегара-химоя тўсиқларни ўрнатиш зарур.

157. Тоғли ҳудудларнинг қиялигидан ўтган каналларни ёмғир, эриган ва оқава сувлар ювиб кетмаслиги учун химоялаш чора-тадбирларини ҳисобга олиш керак.

158. Жарликлар ва сойлар билан кесишган жойларда маҳсус сув ва сел ўтказиш иншоотларини лойиҳалаш керак.

159. Сойлардан тошқинлар ўтиши даври сугориш каналларидаги сув талаби даврига тўғри келганда, сув чиқариш иншоотларини лойиҳалаш лозим.

160. Чуқур ўйиклардан ўтадиган каналларнинг майдонларида (сугориладиган зоналарда) кияликларнинг вайрон бўлиши ва кўчиши ва канални грунт билан тўсиб қўйишнинг олдини оладиган чора-тадбирларни инобатга олиш керак.

161. Канал дамбасининг максимал сув сатхидан баландлиги каналнинг параметрлари ва мақсадига кўра белгиланиши зарур.

Насос станцияларининг сув олиб келиш каналларини лойиҳалашда дамба ўркачининг сув сатҳидан баландлигини насос станциясини ўчиришда тўлқин ва авария захирасини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириши керак.

162. Тўғонларнинг ўркачи ва бермалари кенглиги қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш талабларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланиши керак.

163. Агар канал орқали моторли қайиқлар ва бошқа сузиш воситалари ўтиши мумкин бўлса, қирғоқни тўлқинлар деформациясидан ва ювилишидан ҳимоя қилиш бўйича чоратадбирларни амалга ошириш керак.

164. Магистраль каналларнинг трассалари бурилишларининг айланма радиуси махсус гидравлик ҳисоб-китоб натижалари асосида белгиланиши керак.

165. Канал лойиҳаларида сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи чизиклари белгиланиши керак.

166. Суғориш мақсадлари учун каналларнинг ҳисобий сарфлари ШНҚ 2.06.03-12 га мувофиқ аниқланиши лозим.

9-боб. Қирғоқларни мустаҳкамлаш, муҳофаза қилиш ва тартибга солиш иншоотлари

167. Қирғоқни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тартибга солиш иншоотларини ҳимоя қилинадиган майдондан фойдаланиш мақсади ва хусусиятига кўра дарё оқимини тартибга солиш, сув омбори ёки дарё каналининг қирғоқ чизигини қайта ишлаш прогнози, чўқинди, тўлқин ва муз таъсиrlари ҳаракатини, мумкин бўлган кўчкilarни ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаш керак.

Бунда, зарур ҳолларда кемасозлик, сувдан фойдаланиш, атроф-мухитни муҳофаза қилиш, шунингдек аҳоли пунктлари истиқболли ривожлантириш талабларини ҳисобга олиниши керак.

168. Қирғоқларни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш ва тартибга солиш иншоотларини улардан ижтимоий мақсадларда (муҳандислик иншоотлари сифатида, аҳолининг оммавий дам олиши ва спорт-соғломлаштириш тадбирлари учун) фойдаланиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланиши керак.

169. Дарёнинг туби ва сув сатҳини барқарорлаштириш учун боғловчи (сув сакловчи) иншоотлар каскадини қуриш мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш керак.

170. Гидротехника иншоотлари конструкцияларини танлашда уларнинг мақсадига кўшимча равища, маҳаллий қурилиш материалларининг мавжудлиги ва мумкин бўлган ишлаб чиқариш усулларини ҳисобга олиш керак.

Қирғоқни муҳофаза қилиш иншоотларининг конструктив турлари ва улардан фойдаланишининг асосий шартлари мазкур ШНҚнинг 7-иловасида келтирилган.

Қирғоқни муҳофаза қилиш иншоотларининг узунлиги бўйича геологик хусусиятлари, чуқурлиги, тўлқинларнинг ҳолати мувофиқ турли конструкциялардан фойдаланишга йўл қўйилади.

171. Қирғоқларни емирилишдан ҳимоялаш сунъий иншоотлар (тўлқинлардан ҳимояловчи ва тўлқинларни энергиясини сўндирувчи) ёрдамида ёки келаётган чўқиндилардан фойдаланиб зарур кенглиқдаги қумлоқ юратиш орқали, ёхуд қумлоқ материаллари конларидан олинган қум билан қумлоқ ҳосил қилиш йўли билан амалга оширилиши лозим.

172. Гидротехника иншоотларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш турлари ва уларни кўллашнинг асосий шартлари мазкур ШНҚнинг 8-иловасига мувофиқ олиниши керак.

10-боб. Балиқни ўтказувчи ва балиқни муҳофаза қилиш иншоотлари

173. Дарёлар, сув омборлари, кўллар ёки балиқчилик хўжалиги аҳамиятига эга бўлган ички сув ҳавзаларида (ховузларда) гидроузел иншоотларини лойиҳалашда техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида танланадиган балиқ ўтказувчи ва балиқни ҳимоя қилиш иншоотларини ўрнатишни инобатга олиш керак.

174. Балиқчилик сув ҳавзаларыда сув олиш иншоотларини лойиҳалашда балиқларни сув олиш иншоотларига киришдан ҳимоя қилиш учун маҳсус қурилмалар ўрнатилишини керак.

11-боб. Сув омборлари

1-§. Асосий талаблар

175. Сув омборларини лойиҳалашда қуидагилар амалга оширилиши керак:

кишлөк хўжалиги ерларини сув босишидан ҳимоя қилиш;

аҳоли пунктларини, ишлаб чиқариш объектларини, алоҳида иншоотларни ёки биноларни, тарихий ёки меъморий ёдгорликларни муҳандислик муҳофазаси қилиш;

автомобиль ва темир йўллар, газ ва нефть қувурлари, электр узатиш ва алоқа линиялари, сув омбори тубини санитария ҳолатига келтириш, дарахтлар ва буталарни олиб ташлаш;

сув ҳавзаларыда балиқчиликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;

сув, гидробиологик, ўсимлик ва бошқа табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш

гидрологик, геологик, гидрогеологик, геоботаник, қишлоқ хўжалиги, экологик ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда сув омборларини яратиш натижасида табиий атроф-муҳитнинг ўзгариши прогнозларини, шу жумладан сув сифати, сув омборларининг лойқаланиши, қирғоқларни қайта ишлаш, ер ости сувлари сатҳларининг, грунт хусусиятларини ўзгаришини прогнозларини тузиш;

сув омборининг эркин сатҳини эгри юзаси поналаш зонасида сув тубида ва қирғоқларида сурилиб борадиган чўқиндиларининг чиқишини ҳисобга олиш,

сув омборларидан фойдаланиш даврида сузувчи ё очлар, чиқиндилар, музли қор ва бошқа тўсиклардан келиб чиқадиган қийинчиликларни бартараф этишга қаратилган чоралар;

сув омборларни сув муҳофазаси ва қирғоқ бўйи зоналарини белгилаш ва улар учун тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқиш;

сув омборларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар.

176. Қирғоқларнинг қайта ишлаш прогнози 10 йилга ва охирги босқич учун тузилиши керак.

10 йиллик қайта ишлаш худудида бинолар, қабристон ва бошқа иншоотларни кўчириш бўйича чораларни кўзда тутиш лозим.

2-§. Иссиқлик ва атом электр станцияларни сув билан таъминлаш учун сув омборлари

177. Сув омборлари-совитгичларининг параметрлари, сув тўқувчи ва сув оловчи гидротехника иншоотларининг тўпламини термик ҳисоб-китоблари асосида аниқланиши, моделларда тадқиқотлар билан аниқлаш ва техник-иктисодий кўрсаткичларни вариантларини таққослаш натижаларига кўра танланиши керак.

178. Сув омборлари-совитгичлар сифатида сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда комплекс мақсадларда сув омборларини ёки уларнинг ажратилган қисмидан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиш керак.

179. Сув омборлари-совитгичларни лойиҳалашда улардан балиқ хўжалиги, суғориш, дам олиш масканларини ташкил этиш учун комплекс фойдаланиш имкониятини инобатга олиш керак.

12-боб. Портли иншоотлар

180. Порт гидротехника иншоотларини (причал ва қирғоқни мустаҳкамлаш) улар асосида порт тўпламлари, иншоотларнинг узунлиги, вертикал режалаштириш белгилари, норматив фойдаланиш юклари ўрнатиладиган технологик талаблардан келиб чиқиб лойиҳалаш лозим.

181. Порт объектларининг жойлашуви порт акваториясининг зарур кенглиги ва майдонини яратиш, қулай сув, темир йўл ва автомобиль ёндашувлари, худуднинг ва порт акваториясини яратиш бўйича минимал грунт ишлари ҳажмини, қазиб олиш ва тўкишлар ҳажмининг мақбул мувозанати, портнинг ривожланиш истиқболлари, геологик ва бошқа табиий ва шаҳар қуришни режалаштириш билан боғланганлигига фойдаланиш шароитларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

182. Порт акваториясининг лойиҳа жойлашуви (навигацияси) чуқурлигини ҳисобий чўкишидан ва зарур захираларга қараб белгиланиши керак.

Лойиҳавий жойлашуви (навигацияси) чуқурлигини ички сув йўллари учун — сувнинг энг паст даражасига кўра ҳисоблаш керак.

183. Кема қатнови учун мўлжалланган энг паст сув сатҳи қўйидагилардан ошмаслиги керак:

жойлашув (навигация) даражаси узоқ йиллик даврда қундалик маълумотлардан (сув йўллари майдонларининг тартибга солинадиган майдонларида қунлик тебранишларни ҳисобга олган ҳолда) аниқланган ҳолда, I ва II тоифадаги портлар учун — 99 фоиз, III ва IV тоифадаги портлар учун — мувофиқ равишда 97 ва 95 фоиз;

сув йўлининг ён қўшни майдонлардаги лойиҳадаги сув сатҳи, унинг ўзгариши истиқболларини ва сув омборларида эса максимал жойлашуви (навигацияси) ишлаб кетишини даражасини ҳисобга олиш керак.

Жойлашув (навигация) даври — портларда жойлашув (навигация) муддатларини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим.

184. Мавжуд портнинг тоифасини ўзгартирганда, тегишли асослар билан, илгари қурилган иншоотларда қабул қилинган, ҳисбланган сув сатҳларини ёки кордон ва причаллар (кемалар боғлаб қўйиладиган маҳсус жойлар) олдида акватория тубининг белгиларини ўзгартирмасликка йўл қўйилади.

185. Чуқурликларнинг катталаниши, фойдаланиш юкларининг қўтарилиши билан боғлиқ бўлган порт иншоотларини реконструкция қилишни лойиҳалашда мавжуд иншоотларнинг конструкцияларининг юк қўтариш қобилиятининг захираларидан фойдаланиш керак.

186. Иншоотнинг турини ва конструкциясини танлашни причални, технологик талабларни, портнинг худуди ва акваториясининг ўлчамлари, ишлаб чиқариш ишлари мумкин бўлган усуслари ҳисобга олиб амалга ошириш керак.

187. Кордон яқинидаги причал худудининг белгиси дарё портининг тоифасига, сув сатҳи ва музнинг силжишига қараб, мақсади, қўшни худуднинг рельефи, сув сатҳининг кутилаётган ўзгаришини, ишлатиладиган технологик ускуналар ҳисобга олган ҳолда белгиланиши керак.

Дарёларда юк причаллари худудининг белгиси портлар учун йиллик эҳтимоли фоиз дан ортиқ бўлган сув тошқини чўққиси даражасидан кам бўлмаган ҳолда белгиланади:

Дарёларда портлар учун юк причаллари худудининг белгиси сув тошқинининг энг юқори даражасидан кам бўлмаган йиллик эҳтимоллик кўрсаткичи билан белгиланиши лозим:

I тоифасини.....1 фоиз;

II ва III тоифаларни.....5 фоиз;

IV тоифани.....10 фоиз.

Сув омборларида кордонда яқинидаги причалнинг белгиси кўрсатилганидан паст бўлмаслиги ва НДС дан камида 2 т баландликда бўлиши керак, бунда, қоида тарикасида, у тирбандлик ҳодисаларини ҳисобга олган ҳолда сўнгти 60 йил ичида белгиланган муз силжишининг энг юқори даражадаги белгисидан камида 0,2 т баланд бўлиши керак.

188. Причал иншоотларини лойиҳалашда муҳандислик тармоқларини ётқизишни, ёнфинга қарши ўтиш жойлари мосламаси, урадиган ғилдиракларни брусларини, нарвонларини, урадиган ва боғлаш мосламаларини ўрнатишни, ер усти сувларини олиб бориб худудни қоплаш, чуқурни маҳкамлаш ва бошқалар.

189. Кранларни ортиқча юкланған ускуналари үрнатылмаган причаллар учун (паромли үтиш жойлари, оғир вазнли причаллар, нефт причаллари ва бошқалар) кеманинг чўкиши ўзгарганда ва акватория сатҳини тебранишларида, уларнинг нормал фойдаланишини таъминлайдиган конструктив чора-тадбирлар ва қурилмаларни инобатга олиш керак.

Сузувчи причалларни маҳкамлаш мосламалари ўзгарувчан сув сатҳларида кеманинг хавфсиз боғланишини таъминлаши керак.

190. Қирғоқ бўйларни мустаҳкамлаш иншоотларини лойиҳалашда ушбу ШНҚнинг 9-боби талабларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Доимий гидротехника иншоотлар

1. Асосий гидротехника иншоотларига қўйидагилар киради:
тўғонлар;
босим майдонининг таркибига таянчлар ва ҳимоя деворлари;
ўраб турадиган дамбалар;
қирғоқни мустаҳкамлайдиган (портдан ташқари), тартибга соладиган ва панжарали иншоотлар;
сув ташловчилар;
сув қабул қилувчи ва сув йигиш иншоотлари;
деривацияли каналлар, акведуклар, дюкерлар, канал-қўприклар, қувурлар-селни туширгичлар;
туннеллар;
қувурлар;
босимли ҳавзалар ва текислайдиган резервуарлар;
гидравлик ва гидроаккумуляцияловчи электростанциялар, насос станциялар, кичик ва микро гидроэлектростанциялар;
портларнинг (пристанлар, қирғоқ бўйи, пирслар), кемаларни таъмирлайдиган корхоналарни, паромли ўтказгичларни гидротехника иншоотлари, иккинчи даражалиларга тегишилардан ташқари;
иссиқлик электростанцияларнинг гидротехника иншоотлари.
2. Иккинчи даражали гидротехника иншоотларига қўйидагилар киради:
муздан ҳимоя қиласидиган иншоотлар;
сув оқимини бўладиган деворлар;
босимли майдон таркибига кирмайдиган устунлари ва таянч деворлари;
қирғоқни мустаҳкамлайдиган портларнинг иншоотлари;
балиқларни ҳимоя қиласидиган иншоотлар;
асосий гидротехника иншоотларнинг таркибида кўрсатилмаган бошқа иншоотлар.
Бузилишида мумкин бўлган заарга кўра ва тегиши асослар билан портларнинг қирғоқни ҳимоя қилиш иншоотларини асосий иншоотларга киритишга йўл қўйилади.

Гидротехника иншоотлари синфининг вазифаси

1. Асосий гидротехника иншоотлари синфи 1 — 3-жадвалларга мувофиқ аниқланган энг юқори қиймати бўйича олиниши керак.

Иккинчи даражали гидротехника иншоотлари синфи ушбу гидроузелнинг асосий иншоотлари синфидан пастроқ бирликка, бироқ III синфдан юқори бўлмаган қабул қилиш лозим.

Вақтинчалик иншоотлар IV синфга киритилиши керак.

Агар ушбу иншоотларнинг бузилиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши ёки I ва II синфдаги асосий иншоотларни қуришда сезиларли кечикишларга олиб келиши мумкин бўлса, уларни тегишли асослар билан III синфга киритилишига йўл қўйилади.

2. Бир вақтнинг ўзида сув хўжалиги комплексининг бир нечта иштирокчиларини (энергетика, мелиорация, сув таъминоти, сув тошқини билан кураш) таъминлайдиган гидроузел мажмуасининг асосий гидротехника иншоотлари синфини, кўрсаткичлари юқори синфга мос келадиган иштирокчи учун каби белгиланиши керак.

Босим майдонининг таркибига кирадиган асосий иншоотлар синфи, юқори синфга тўғри келадиган иншоотга кўра белгиланиши лозим.

3. Агар асосий гидротехника иншоотининг бузилиши шаҳарлар, йирик саноат корхоналари, гидроузеллар, транспорт магистраллари учун олиб келиши мумкин бўлса, 1-жадвал бўйича аниқланадиган иншоотнинг синфи, каналлар учун эса 3-жадвалга мувофиқ, тегишли асослар билан гидротехника иншоотлари синфини бирликка оширишга йўл қўйилади.

4. Ушбу илованинг 3-жадвалга мувофиқ аниқланадиган, қуввати 1,5 миллион kW дан кам бўлган гидравлик ёки иссиқлик электр станциясининг асосий гидротехника иншоотлари синфини, агар бу электр станциялари энергия тизимларидан ажратилган бўлса ва йирик ахоли пунктларига, саноат корхоналарига, транспорт ва бошқа истеъмолчиларга хизмат қилса, йирик ахоли пунктлари ва саноат корхоналарини иссиқлик, иссиқ сув ва буг билан таъминлайдиган бўлса, гидротехника иншоотлари синфини бирликка оширилишига йўл қўйилади.

5. 1, 2 ва 3-тоифали дарё портларини асосий гидротехника иншоотларини III синфга, қолганларини IV синфга киритилиши керак.

Порт тоифасини 4-жадвалга асосан белгилаш керак.

Юқ айланмаси ва йўловчилар айланмаси дарё портларини технологик лойиҳалаш талабларига мувофиқ белгиланиши лозим.

6. Баландлиги 15 m гача бўлган маҳсус конструкциядаги тўғонлар (филтрлайдиган, тўлдирувчи затворли, сув бостирадиган ва босимсиз дамбалар) IV синфли иншоотларга киритилиши керак.

7. Комплекс гидроузел таркибига киравчи кичик ва микро ГЭСларни III синфга киритилиши лозим.

8. Битта гидротехника иншоотининг юқори синфдаги бошқа иншоотлар билан кесишган жойида лойиҳалаштирилган гидротехника иншооти синфининг ошиши асосланиши керак.

9. Бош сув олиш жойидан биринчи тартибга солувчи сув омборигача бўлган канал худудининг синфи, шунингдек тартибга солувчи сув омборлари орасидаги канал худудлари, агар оқибатларини бартараф этиш даврида асосий сув истеъмолчисига сув етказиб берилса, каналдаги авария сув омборлари ёки бошқа манбаларнинг тартибга солиш сифими ҳисобидан таъминланганда унинг синфи мумкин бўлган бирликка қисқартирилиши мумкин.

10. Қирғоқни мустаҳкамлайдиган гидротехника иншоотлари III ва IV синфларга киритилиши керак.

Агар қирғоқни мустаҳкамлайдиган иншоотда ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлса (кўчки, сувнинг ювиб кетиши) гидротехника иншоотининг синфини бирликка ошириш керак.

Асосий доимий гидротехника иншоотларни уларнинг баландлигидан ва пойдевори тупроқларининг туридан келиб чиқсан холда синфланиши

I-жадвал

| Иншоотлар | Пойдевор тупроғининг тури | Гидротехника иншоотининг баландлиги, м, уларнинг қуидаги синфида | | | |
|--|---------------------------|--|-----------------|----------------|------------|
| | | I | II | III | IV |
| 1. Грунтли материаллардан тўғонлар | A | 100 дан ортиқ | 70 дан 100 гача | 25 дан 70 гача | 25 дан кам |
| | Б | 75 дан ортиқ | 35 дан 75 гача | 15 дан 35 гача | 15 дан кам |
| | В | 50 дан ортиқ | 25 дан 50 гача | 15 дан 25 гача | 15 дан кам |
| 2. Босимли юзанинг ҳосил қилишда иштирок этадиган бетонли ва темир-бетони тўғонлар, электростанциялар бинолари ер ости конструкциялари иншоотлар | A | 100 дан ортиқ | 60 дан 100 гача | 25 дан 60 гача | 25 дан кам |
| | Б | 50 дан ортиқ | 25 дан 50 гача | 10 дан 25 гача | 10 дан кам |
| | В | 25 дан ортиқ | 20 дан 25 гача | 10 дан 20 гача | 10 дан кам |
| 3. Таянч деворлар | A | 40 дан ортиқ | 25 дан 40 гача | 15 дан 25 гача | 15 дан кам |
| | Б | 30 дан ортиқ | 20 дан 30 гача | 12 дан 20 гача | 12 дан кам |
| | В | 25 дан ортиқ | 18 дан 25 гача | 10 дан 18 гача | 10 дан кам |
| 4. Дарёвий, причалли иншоотлар | A, Б, В | 25 дан ортиқ | 20 дан 25 гача | 20 дан камроқ | - |
| 5. Пассив ҳимояланган дарёвий портли қирғоқли мустаҳкамлашлар; тор йўналтирилган ва чиқиндиларни ушлаб қоладиган дамбалар | A, Б, В | - | 15 дан юқори | 15 ва камроқ | - |
| <i>Изоҳлар:</i> | | | | | |
| <i>1. А грунтлар — қояли, Б — қумли, йирик бўлакли ва қаттиқ ва ярим қаттиқ ҳолатда лойли; В — лойли, пластик сув билан тўйинган ҳолатда.</i> | | | | | |

2. Гидротехника иншоотининг баландлигини ва унинг пойдеворини баҳолашни ушибу ШИҚга мувофиқ аниқланиши керак.
3. Мазкур жадвалнинг 4-позициясида иншоотининг баландлиги ўрнига иншоот олдидағи чуқурлик олинган.

Ҳимояланадиган иншоотларнинг синфи

2-жадвал

| Ҳимояланадиган худудлар | Ҳимояланадиган гидротехника иншоотларининг синфида сув таянч иншоотига максимал ҳисобий босим, т | | | |
|--|--|------------|------------|---------|
| | I | II | III | IV |
| 1. Аҳоли пунктлари. Яшаш жойининг худудини яшаш жамланмаси зичлиги, 1 ha m ² | | | | |
| 2500 дан ортиқ | x) | 5 гача | 3 гача | - |
| 2100 дан 2500 гача | - | 8 гача | 5 гача | 2 гача |
| 1800 дан 2100 гача | - | 10 гача | 8 гача | 5 гача |
| 1800 гача | - | 10 дан кўп | 10 гача | 8 гача |
| Соғломлаштириш-рекреацион ва санитар-ҳимоя мўлжалланган | - | - | 10 дан кўп | 10 гача |
| Саноат: | | | | |
| Ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми билан саноат корхоналари | | | | |
| 500 дан ортиқ | x) | 5 гача | 3 гача | - |
| 100 дан 500 гача | - | 8 гача | 5 гача | 2 гача |
| 100 гача | - | 8 дан кўп | 8 гача | 5 гача |
| 4. Коммунал-омборли: | | | | |
| умумشاҳарга мўлжалланган коммунал-омборхона корхоналари | - | 8 гача | 5 гача | 2 гача |
| бошқа коммунал-омборхона корхоналари | - | 8 дан кўп | 8 гача | 5 гача |
| 5. Маданият ва табиат ёдгорликлари | - | 3 гача | - | - |
| x) Тегишли асослар билан, агар авария оқибатида улардаги ҳимояланадиган йирик шаҳарлар ва саноат корхоналари учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган, ҳимоя иншоотларини I синфга киритишга йўл қўйилади. | | | | |

Асосий гидротехника иншоотларининг улардан фойдаланиши бузилиши оқибатларига кўра синфи (ижтимоий-иктисодий масъулиятини)

3-жадвал

| Гидротехника қурилишининг обьектлари | Иншоотлар синфи |
|--|-----------------|
| 1. Гидравлик, гидротўпловчи, гидротехника иншоотларининг ва иссиқлик электрстанцияларининг қуввати, минг kVt: 1,5 ва ундан кўп 1,5 дан кам | I II — IV |
| 2. Ички сув йўларида гидротехника иншоотлар ва кема юрадиган каналлар (дарё портларининг иншоотларидан ташқари): юқори магистраль магистраль ва маҳаллий аҳамиятли | II III |
| 3. Иншоотлар томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориш ва куритиш | |

| | |
|--|----------------------|
| майдонида мелиоратив тизимларнинг гидротехника иншоотлари, минг.га: 300 дан кўпроқ 100 дан кўп 300 гача 50 дан кўп 100 гача 50 ва ундан кам | I II III IV |
| 4. Ҳажми мелиоратив мақсадлар учун бўлган сув омборларининг таянч иншоотлари, млн. м ³ : 1000 дан катта 200 дан катта 1000 гача 50 дан катта 200 гача 50 ва ундан кам | I II III IV |
| 5. Дарё портлари ва кема таъмирлаш корхоналарининг тўсиқ иншоотлари | III |

Изоҳ: Юқори магистраль бўлиб I ва II синфларга ГОСТ 26775-97 га тегишли сув йўллари ҳисобланади, магистраллilarга — III ва IV синфларга тегишли, маҳаллий аҳамиятли сув йўллари — бошқа барча ички сув йўллари

Дарё портларининг тоифалари

4-жадвал

| Портнинг тоифаси | Ўртacha кунлик | |
|------------------|------------------------|---|
| | Юк айланмаси, шартли t | Йўловчи ташиш айланмаси, шартли йўловчи |
| 1 | 15000 дан кўп | 2000 дан кўп |
| 2 | 3501 — 15000 | 501 — 2000 |
| 3 | 751 — 3500 | 201 — 500 |
| 4 | 750 ва кам | 200 ва кам |

**Биринчи гурух чекланган ҳолати ҳисоб-китобларда γ_f юкланиш бўйича ишончлилик
коэффициентларининг қийматлари**

I-жадвал

| Юкланишлар ва таъсиirlар | γ_f юкланиш бўйича ишончлилик коэффициентининг қийматлари |
|--|---|
| Тўғридан-тўғри иншоотнинг ва пойдевор юзасида сув босими, филтрловчи сувнинг куч таъсири; тўлқинли босим, оstonадаги босим | 1,0 |
| Туннелларни қоплашга ер ости сувларини гидростатик босими | 1,1 (0,9) |
| Иншоотнинг оғирлиги (грунтнинг оғирлигисиз) | 1,05 (0,95) |
| Туннелларнинг қопламаларини оғирлиги | 1,2 (0,8) |
| Грунтнинг оғирлиги (грунтнинг оғирлигидан вертикал босим) | 1,1 (0,9) |
| Грунтнинг ён босими (жадвалга 2 ва 3 эслатмага қаранг) | 1,2 (0,8) |
| Насосларнинг босими | 1,2 |
| Кўтарадиган юк ўтказиш ва транспорт воситаларидан юкланишлар | 1,2 |
| Кран йўллари, йўловчи, хизмат ва бошқа причаллари ва қирғоқлари ичидаги юк причаллари худудида омборланадиган юклардан (қўйма юклардан ташқари) юкланишлар | 1,2 |
| Юк кўтариш йўлларини чеккасида ва бошқа иншоотларида | 1,3 |
| Қўйма юклардан юкланишлар | 1,3 (1,0) |
| Конструкцияларни олдиндан кучланишидан юкланишлар | 1,0 |
| Кемалардан юкланишлар (оғирлик, қўймалар, швартли ва зарбли) | 1,2 |
| Музли юкланишлар | 1,1 |
| Маълумотли ва адабий маълумотлардан қабул қилинадиган хароратли ва намли таъсиirlардан кучлар | 1,1 |
| Сейсмик таъсиirlар | 1,0 |
| Экспериментал тадқиқотлар, ҳақиқий ўлчовлар ва динамик коэффициентларининг ҳисобга олиб белгиланадиган кўп йиллик қатор кузатувларни статистик қайта ишлаш асосида белгиланадиган юкланишлар, меъёрий қийматлар | 1,0 |
| <i>Изоҳлар:</i> | |
| 1. Қавслар ичida келтирилган юкланиш бўйича ишончлилик коэффициентларининг қийматлари, коэффициентларнинг минимал қийматидан фойдаланиши иншоотнинг фойдасиз юкланишига олиб келадиган ҳолатларга тегишили. | |
| 2. Грунт хусусиятлари (солиширма оғирликнинг ва мустаҳкамлик хусусиятлари) ва материалларнинг (бетоннинг солиширма оғирлиги) ҳисобий қийматларини қўллаб ҳисобланган, барча грунт юкланишлари ва иншоотнинг оғирлиги учун бирга тенг бўлиши керак. | |
| 3. Грунтнинг норматив тавсифларидан фойдаланганда грунтнинг ён босимиidan юкланишлар учун $\gamma_f = 1,2 (0,8)$ коэффициентининг қиймати. | |

Гидротехника иншоотларига таъсири қиладиган юклар ва таъсиirlар рўйхати

1. Гидротехника иншоотларининг лойиҳалашда қуидаги юклар ва таъсиirlарни хисобга олиш керак:

Доимий ва вақтингчалик (давомий ва қисқа муддатли):

а) конструкциялар ва иншоотнинг оғирлиги;
б) фойдаланиш жараёнида, унинг иншоотдаги жойи ўзгармайдиган, доимий технологик ускунанинг оғирлиги (затворларни, гидроагрегатларни, трансформаторларни);

в) иншоот ва пойдеворнинг айни юзасига сувнинг босими, филтрлашга қарши ва дренаж мосламаларининг асосий хисобий ҳолатидан ошиб кетишнинг хисобий эҳтимоллигининг ва нормал ишлашининг максимал сув сарфларига мос келадиган, нормал таянч даражасида босимга қарши босим, иншоот ва пойдеворнинг сув билан тўйинган қисмларида ҳажмий кучларни филтрлашни ва ўлчашни хисобга оладиган филтрловчи сувнинг кучли таъсири;

г) грунтни оғирлиги ва унинг ён босими, тоғ босими, ташқи юкланишлар ва ҳароратли таъсиirlар билан вужудга келадиган пойдеворни ва конструкцияни деформацияси оқибатида пайдо бўладиган грунтнинг босими;

д) ташқарига чиққан чўкиндиларнинг босими;

е) конструкцияларнинг олдиндан кучланишидан юкланишлар;

ж) филтрлашга қарши ва дренаж қурилмаларининг нормал таянч даражасида ва нормал ишлашида сув билан тўйинган грунтда тугатилмаган бирлаштиришни керагидан ортиқ остона босими билан юзага келадиган юкланишлар;

з) ўртача ойлик ташқи ҳаво ҳароратининг ўртача тебраниш амплитудаси билан бир йил учун белгиланадиган қурилиш ва фойдаланиш даврларининг ҳароратли таъсиirlари;

и) қайта юклаш ва юкларни транспорт воситаларидан, шунингдек иншоотнинг фойдаланиши билан боғлиқ бошқа юкланишлар;

к) шамолнинг ўрта кўп йиллик тезлигига кўрсатилган босимни портли иншоотлардан ташқари, тўлқиннинг босими;

л) кемалардан (оғирлик, қўйма, швартли ва зарбли) ва сузуви жисмлардан юкланишлар;

м) қор ва шамол юклари;

н) кўтарувчи ва бошқа механизмлардан юклар (кўприкли ва осилувчан кранларни);

о) нормал фойдаланиш даврида гидравлик зарбдан босим;

п) нормал таянч сатҳида босимсиз ва босимли сув қувурлар бўйича сарфларни ўтказишида динамик юклар;

р) сувни ўтказувчи иншоотларга чўкиндиларни тозаловчи таъсири.

2. Махсус (юкларнинг махсус бирикмасида уларни уларга мос келадиган доимий, вақтингчалик, давомий ва қисқа муддатли юклар билан алмаштирилади):

с) тўғридан-тўғри иншоот ва пойдевор юзасидаги сув босими;

филтрловчи сувнинг куч таъсири, иншоотнинг сувга тўйинган қисмлари чегарасида қарши босим ва иншоотнинг ва пойдеворнинг сувга тўйинган қисмларида филтрлашни ва тортишни ҳажмий кучлари;

асосий хисобий ҳолатдан ошиб кетишнинг хисобланган эҳтимоли даражаси максимал сув сарфига мос келадиган НДС дан юқори бўлган текшириш хисобий ҳолатидан ошиб кетишнинг хисобланган эҳтимолининг ва юқори бъефнинг сатҳларида сувнинг максимал сарфларига мос келадиган юқори бъефнинг кучайтирилган даражасида сув билан тўйинган тупроғида тугатилмаган бирлашишининг жуда кўп бўлган остона босими билан филтрланишга қарши ёки дренаж ускуналарини асосий хисобий ҳолатини хисобий

эҳтимолини максимал сув сарфларига мос келадиган ва нормал ишлашини бузилишида («в» ва «ж» банд остиларнинг юклари ўрнига), юқори бъефнинг нормал таянч даражасида филтрланишга қарши нормал ишида ёки юқори бъефнинг юклари;

т) ўртача ойлик ташки ҳаво ҳароратининг энг катта тебраниш амплитудаси бўлган йил учун аниқланган, қурилиш ва фойдаланиш даврларининг ҳароратли таъсири («з» кичик бандидаги юклар ўрнига);

у) шамолнинг максимал ҳисобий тезлигида белгиланадиган, сувнинг босими («к» банд ости юкланиши ўрнига);

ф) юкнинг тўлиқ туширилишида гидравлик зарбадан босим («о» банд ости юки ўрнига);

х) юқори бъефнинг тезлаштирилган сатҳида босимсиз ва босимли сув қувурлари бўйича сарфларни ўтказиш пайтида динамик юклар («п» банд ости юк ўрнига);

ц) сейсмик таъсирлар;

ч) портлатишлардан динамик юклар;

ш) сувнинг шиддатли оқимларидан гидродинамик ва ўлчанадиган таъсирлари.

**Гидротехника иншоотларининг вақтинчалик фойдаланиш даври учун сув
сарфларининг ортиб кетиши эҳтимолини ҳисоблаш**

Сув оқимидан ортиб кетишининг ҳисобланган эҳтимоли P , фоиз (сувнинг ҳисобий оқими Q_p ҳар қандай йилда содир бўлиши эҳтимоли), бир марта тақорланишнинг ўртача даври T , йиллар ва ишончлилик R қўйидаги боғлиқликлар билан боғлиқ:

$$P_Q = \frac{1}{T} \quad (1)$$

$$T = \frac{1}{P_Q} \quad (2)$$

$$R = \left(1 - \frac{1}{T}\right)^n = (1 - P)^n \quad (3)$$

Гидротехника иншоотларини қуриш ёки реконструкция қилиш даврида максимал сув сарфидан ошиб кетишининг ҳисобланган эҳтимолини, қабул қилинган иншоотнинг синфи учун P текшириш ҳисобий ҳолатига мос келадиган нормал даражадаги ишончлилик даражаси билан « n » иншоотнинг вақтинчалик фойдаланиш даврининг давомийлигидан келиб чиқиб, қўйидаги жадвал бўйича белгилашга йўл қўйилади.

Ишончлиликнинг норматив даражаси — P_Q нинг текшириш ҳисобий ҳолатга мос келадиган максимал сув сарфи Q_p , иншоотнинг ҳисобий хизмат муддати давомида содир бўлмаслиги эҳтимоли.

1-жадвал

| Гидротехника иншоотининг вақтинчалик даврининг фойдаланиш давомийлиги n, йиллар | Иншоотнинг синфи | |
|---|-------------------------|-----------|
| | I | II |
| 1 | 1,0 | 3,0 |
| 2 | 0,5 | 3,0 |
| 3 | 0,3 | 3,0 |
| 5 | 0,2 | 2,0 |
| 10 | 0,1 | 1,0 |
| 100 | 0,01 | 0,1 |

III синф иншоотлар учун вақтинчалик фойдаланиш муддати 10 йилгacha бўлган сув сарфи дан ошиб кетишининг ҳисобланган эҳтимоли 5 фоизга teng деб қабул қилинади.

Иншоотнинг вақтинчалик фойдаланишининг бошланиши лойиҳада қурилишнинг календар режасида белгиланган ёки ҳужжат билан қайд этилган иншоотни ёки иншоотнинг тугалланмаган қурилишида бошланғич фойдаланиш юкларига ва таъсирларига ёки ҳисобий юкларга ва таъсирларига унинг алоҳида элементларини юклар ва таъсирга ўрнатиш санаси ҳисобланади.

**Затворлар билан тўсиладиган сув ўтказиш иншоотларини тўғри бурчакли
тешикларининг ўлчамлари**

1. Затворлар билан тўсиб қўйилган тўғри бурчакли тешикларнинг кенглиги (оралиғи) ва баландлиги қуйидаги 1-жадвалга мувофиқ олиниши керак.

Тешикларнинг кенглиги ва баландлиги ўртасидаги муносабатини, ушбу объектнинг аниқ лойиҳалаш шароитларидан келиб чиқиб танлаш керак.

2. Техник-иктисодий асослашда, қуйидаги 1-жадвалда келтирилган, тешикларнинг ўлчамларидан четга чиқишига йўл қўйилади.

| 1-жадвал | |
|---------------------------------------|---|
| Тешикларнинг кенглиги (оралиғи), м | 0,4; 0,6; 0,8; 1; 1,25; 1,5; 2; 2,5; 3; 3,5; 4; 4,5; 5; 5,5; 6; 7; 8; 10; 12; 14; 16; 18; 20; 24; 30 |
| Тешикларнинг баландлиги, м | 0,6; 0,8; 1; 1,25; 1,5; 1,75; 2; 2,5; 3; 3,5; 4; 4,5; 5; 5,5; 6; 7; 8; 9; 10; 12; 14; 16; 18; 20 |

3. Тешикнинг оралиғи учун ён вертикал қирралари орасидаги минимал ўлчам олинади (оқимнинг маҳаллий четга чиқарувчиларини ҳисобга олмасдан).

4. Тешиклар баландлигига қабул қилинади: юза тешиклари учун — остонанинг юқори қиррасидан то затворнинг тикилган юқори четигача бўлган ўлчам, чуқур бўлгани учун — текис затворларда ва силжиш текислигига ўлчанадиган, тешикнинг шифтигача бўлган остонанинг юқори қиррасигача ўлчами, бошқа затворлар турида — сув қувури ўқи бўйича.

Кема юрадиган каналларнинг ва каналлаштирилган дарёларнинг ҳисобий сатҳлари ва ўлчамлари

1. Дарё ёки сув омборининг унга қўшни қисмида уларнинг даражаси сувнинг тебраниши билан белгиланадиган каналларда, узоқ муддатли ўрнатилган навигация даври учун кунлик маълумотлардан аниқланган, таъминланган ҳисобий энг паст кема юрадиган сувнинг даражаси билан навигация сув даражасини қабул қилиш керак, сув йўллари учун:

юқори магистралли 99 фоиз;
магистралли 97 фоиз;
маҳаллий аҳамиятли 95 фоиз.

Очиқ каналларда сувнинг энг юқори кема юрадиган сатҳини ҳисобий ортиб кетиш эҳтимоли билан сув сарфи бўйича, сув йўллари учун кўп йиллик кесимда қабул қилиш керак:

юқори магистралли 1 фоиз;
магистралли 3 фоиз;
маҳаллий аҳамиятли 5 фоиз.

2. Ҳисобий энг паст кема юрадиган сатҳларни белгилашда каналнинг кўп йиллик эрозияси;

тагини чуқурлаштириш ишлари туфайли сатҳнинг пасайишини;
шамол қўтарилишини;

навигация даврида уни узайтириш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда сув омборини сув тошқини олдидан тортиб олиш;

сувнинг беқарор ҳаракати (ГЭС ва ГТЭСда чақириладиган кунлик тартибга солиш, насос станцияларининг иши билан) ҳисобига қабул қилинади.

3. Ҳисобий энг юқори кема юриши сатҳларини белгилашда сатҳнинг шамол ҳайдаши, тиқилишлар вужудга келиши;

сувнинг белгиланмаган ҳаракати билан чақирилувчи сатҳнинг қўтарилишини (ГЭС, ГТЭС, НС, бўш туширилиши оқибатида) ҳисобга олиш керак.

4. Икки томонлама ҳаракатга эга бўлган кема ҳаракатланадиган каналнинг ҳисобий кенглигини шамол силкинишини ҳисобга олган ҳолда келаётган ҳисобий кемалар ва таркибларнинг фарқ қилиши ҳолатидан, сувни ёндан танлаш ёки жўнатиш майдонларида оқим туфайли чақириладиган дрейф ҳисобига аниқлаш керак.

Ҳисобий энг паст кема юрадиган сув сатҳида унинг ҳисобий чуқурлигини сатҳида кемаларнинг икки томонлама ҳаракати билан каналнинг кенглигини кеманинг (таркиб) ҳисобий кенглиги энг камида 2,6, бир томонлама ҳаракат билан майдонларда эса — энг камида унинг бир яримли кенглиги деб қабул қилиниши керак.

5. Каналларнинг ҳисобий энг паст кема юришининг сув сатҳи ҳисобланган чуқурлигини, ҳисоб-китоб билан, дарё каналлари учун эса унинг тўлиқ тўлганида ҳисобий кеманинг статик тушишини энг камида 1,3 деб аниқлаш керак.

6. Ҳисобий кема юриши сув сатҳида каналнинг тирик кесими майдони, уни тўлиқ тўлганида ҳисобий кеманинг (таркибнинг) энг камида мидел кесимининг беш карра майдони бўлиши, унинг тўлиқ тўлганида ҳисобий кеманинг (таркибнинг) мидел кесимининг кема юрадиган шлюзининг камераси мидел кесимиға нисбати, худди ўша сатҳда энг камида, 0,7 бўлиши лозим.

Каналдаги сув оқимининг тезлиги, унинг ҳаракати пайтида кеманинг тирик кесимининг торайишидан келиб чиқадиган, каналдаги оқимнинг ўтиш тезлигини ҳисобга олган ҳолда, босиб тубини ва қирғоқларини ювилиб кетишини чақирмаслиги ва кемаларнинг нормал ҳаракат қилишига халақит бермаслиги керак.

7. Пастки қияликли ва кемачилик учун ишлатиладиган мажмуавий мақсадлар учун каналлар ва оқимларни ўтказиш учун каналларида, 4 ва 5 остиларнинг талаблари, оқим бўлмаганда ҳар бир бъефнинг юқори кесимида риоя қилиш керак.

8. Каналларнинг айланиши радиуслари ҳисобий биттали ўзи юрар кеманинг, ҳисобий кеманинг буksiри таркибида ёки қаттиқ ушлаш билан таркибнинг энг камида беш карра узунлиги бўлиши керак.

Айланишларда канални, иккита бир-бири билан кўришишга харакатланаётган ҳисобий кемаларни (таркибларни) тўсиқсиз ўтишини таъминлайдиган ўлчамгача кенглигини камайтириш қабул қилиш керак.

9. Тўкилганларда барпо этилаётган чуқурликда канал бермасининг ёки канал дамбасининг қирраси белгиси ҳисобий энг юқори кема юриши сув сатҳи кема тўлқинининг максимал юқори белгисидан энг камида 0,5 м га ортиб кетиши керак.

10. Кўприк-каналлар туташ каналларнинг худудларининг ўлчамларидан кам бўлмаган кема ҳаракати ўлчамларига эга бўлиши керак.

Кўприк-каналнинг юқориси ҳисобий бўш бўлган кеманинг пастки кўтариладиган брусидан, ҳисобий энг юқори сатҳда энг камида 0,5 м га баланд бўлиши керак.

11. Авария-таъмирлаш тўсиқнинг тешиклари кенглиги ҳисобий энг паст кеманинг юриши сув сатҳида ҳисобий чуқурликда каналнинг кенглигидан энг камида 1,2 бўлиши керак.

12. Каналларни кесиб ўтувчи иншоотларнинг кўприк ости габаритлари ГОСТ 26775-97 га мувофиқ бўлиши керак.

**Гидротехника иншоотларининг қирғоқларини мустаҳкамлаш турлари ва уларни
қўллашнинг асосий шартлари**

1-жадвал

| Қирғоқларни мустаҳкамлаш иншоотлари | Қўллашнинг асосий шартлари |
|--|--|
| 1. Пляжлар | Пляжни ташкил қилиш ёки кенгайтириш зарурлиги; Карьер материалларини етарли даражадаги захиралари мавжудлигига бухталарда ва қирғоқнинг чекланган худудларида ҳисобий кенглигини пляжни барқарорлигини таъминлаш |
| а) иншоотсиз: | |
| даврий тўлдириш билан | Пляжнинг даврий мавсумий эрозияси, қирғоқ тўлқини ва ости кесилган зоналари атрофида сув ости ён бағирларини ювилишлари, чўқиндиларнинг табиий етарли даражада келмаганлигига |
| доимий тўлдириш билан | Қирғоқ чизигини тизимиш кетиб қолиши, чўқиндиларни табиий келишини амалий бўлмаслиги, унча катта бўлмаган узунликдаги қирғоқнинг алоҳида худудларида |
| б) иншоотлар билан: | |
| деворлар билан | Қирғоқнинг сув ости ёнбағрининг қирғоқ тўлқини ва ости кесилган зоналарида тошлар ва қум чўқиндилари билан ювилиши |
| сув ости тўлқин қайтаргичлар билан | Қирғоқ тўлқини ва ости кесилган зоналарда 0,05 гача қиялик билан ер ости нишабини ювилиши, чўқиндиларни етарли даражада бўлмаган табиий келишида, тўлқинларни қийшиқ бурчакда келишида (15° дан ортиқ), сунъий пляж билан биргаликда кўчки жойларида ва қирғоқнинг пастки қисмидаги пляжларни тўлдиришда |
| 2. Қиялик туридаги иншоотлар | Сув ости қисмини ювилиши ва бузилишига учраган қиялама қирғоқлар |
| 3. Ярим очиқ ёки ярим вертикал иншоотлар | Причал сифатида ишлатилганда қиялама қирғоқлар; мустаҳкамланадиган нишабни узунлигини қисқартириш кераклигига, порт ичидаги ва шаҳар қирғоқлари учун тикка нишаблар билан қирғоқлар учун |
| 4. Деворлар | |